



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**
АҲБОРОТНОМАСИ

**№3-4 (21-22)
2009**

ТОШКЕНТ-2009

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ

2009 №3-4 (21-22)

1999 йилдан чиқа бошлаган

**МУАССИС-ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус тилларида босилади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Жавлон АБДУЛЛАЕВ
Комилжон АДИЛОВ
Отагалди БОБОЖОНОВ
Жанабай САДИКОВ
Ойбек СОАТОВ
Қўчкор ТОҒАЕВ
Маҳамаджон ХЎЖАЕВ
Темур ШИРИНОВ
Комилжон ЮСУПОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

БОШ МУҲАРРИР

Низомиддин НУРМАТОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони, 6.
Телефон: 239-43-91

Босишга руҳсат этилди: 02.12.2009. Бичими 60x84 см.
Офсет босма. Ҳажми ____ б.т. Адади 1000 нусха.
Буюртма №____
«Сано-Стандарт» масъулияти чекланган жамиятиди
саҳифаланиб чоп этилди. Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.

МУНДАРИЖА

4

Мирзо-Улуғбек Абдусаломов. Очиқлик ва ошкоралик – сайлов кампаниясининг асосий тамойиллари.

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ҶАРОРЛАРИ**

8

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

12

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

13

“Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш билан боғлиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

54

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

88

“Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гурӯҳи тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

89

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

90

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

169

“Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

170

“Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

171

“Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал - демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

172

“Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

173

“Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

174

Этироф...

181

Х А Б А Р Л А Р

Мирзо-Улугбек АБДУСАЛОМОВ*

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – САЙЛОВ КАМПАНИЯСИННИГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Маълумки, 22 сентябрдан Ўзбекистонда мамлакатимиз парламентига ва жойлардаги давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов кампанияси бошланди. Ушбу тадбир миллий сайлов қонунчилигига, унда белгилаб берилган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга тўла мос ҳолда ташкил қилинган ҳолда ўтказилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан, энг аввало, Сиз, хурматли мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларига юртдошларимиз ва халқаро жамоатчиликни Ўзбекистонда ўтказилаётган сайлов жараёнларидан хабардорлигини ошириш бўйича амалга ошираётган самарали ишларингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Журналистлар зиммасига миллий сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов жараёнида амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётганлигини, мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеада фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича қабул қилинган чоралар моҳиятини кенг ва холисона ёритиш бўйича катта масъулият юкландган.

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, шунингдек Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси билан келишув битимлари имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди.

* Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси.

** Марказий сайлов комиссияси раисининг 2009 йил 22 октябрь куни бўлиб ўтган Матбуот анжуманидаги нутки қисқартирилган ҳолда берилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади демократик ҳукуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини босқичма-босқич модернизация қилиш ва эркинлаштириш доирасида барча демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди. Сайловларнинг қонунчилик асоси умум эътироф этилган халқаро меъёрий стандартларга тўла жавоб беради. Фуқароларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча ташкилий-хукуқий, моддий-техник шарт-шароитлар ва сайлов ҳукуқларини амалга ошириш учун ишончли кафолатлар яратилган.

Бўлажак сайловлар сифат жиҳатидан тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий шароитларда бўлиб ўтади. Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда парламентимиз ролининг ошиши, сиёсий партияларнинг фаоллиги ва улар ўртасида соғлом рақобат даражасининг кучайиши қарор топмоқда. Сайлов қонунчилиги янада либераллашуви ва демократлашуви йўлида амалдаги 13 та қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига давр талабларига жавоб берадиган ўзгартишлар киритилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ва унинг асосида қабул қилинган тадбирлар Календарь режасига мувофиқ ишлар изчилилк билан амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конуннинг 7-моддасига кўра парламентнинг қуи палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича қўупартиявийлик асосида ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун 135 та сайлов округини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси 16 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларнинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Округ сайлов комиссиялари таркибига қарийб 1600 киши жалб қилинган. Okруг сайлов комиссиялари аъзолари – таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топган. Бу умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, касаба уюшмалари, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, шифокорлар, ҳукуқшунослар, фермерлар ва бошқа касб эгаларидир.

Округ сайлов комиссиялари аъзолари орасида 30 ёшгача бўлганлар – 8 % ни ташкил этади. Хотин-қизлар - 20% дан зиёд. Округ сайлов комиссиялари таркибида ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Уларнинг кўпчилиги, яъни 90% олий маълумотга эга бўлиб, комиссия таркибида 12 нафар фан доктори, 27 нафар фан номзодлари бор. Айни пайтда округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 69 % аввал ҳам сайловларни ташкил этиш ва ўтказиша бевосита иштирок этган тажрибали кишилардир.

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилинди ҳамда тасдиқлаш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилинди. Комиссия аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан уларнинг ишчанлик ва касбий малакаси ҳамда илгари давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиша иштирок этиш бўйича тажрибасини эътиборга олган ҳолда танланган.

Округ сайлов комиссиялари аъзолари у ёки бу сиёсий партия аъзоси бўлишлари мумкин эмаслиги ҳақидаги қонун нормаси талабларига қатъий риоя қилинди. Округ сайлов комиссияларини тузиш ҳақидаги қарор, уларнинг манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонуннинг 21-моддасига мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партияларнинг барчаси Марказий сайлов комиссиясига парламентнинг қуи палатасига сайловда иштирок этиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Булар - партия раҳбари томонидан имзолангандай сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ҳамда сайловчиларнинг муайян сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидир.

Ушбу қонуннинг 20-моддасида қайд этилганидек, сиёсий партия маъмурий-худудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳрида қирқ минг сайловчининг кўпи билан 8 фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 23№-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига етакчи мутахассислар, эксперталар ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинди. Конунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ушбу жараёнда ҳар бир сиёсий партиядан ваколатли вакил ҳам иштирок этди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 21- моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси аризалар келиб тушиш тартибига кўра: 2009 йил 17 октябрдаги 426-сон ва 427-сон қарорлари билан - Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига, 2009 йил 18 октябрдаги 428-сон ва 429-сон қарорлари билан - Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Барча сиёсий партиялар вакилларига 2009 йил парламент сайловида қатнашишига ижозат берилгани тўғрисидаги комиссия қарори нусхалари топширилди.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ва қонун ижодкорлиги самарадорлигини таъминлаш мақсадида қонунларга киритилган янгиликлардан бири Конунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонининг 120 дан 150 га кўпайтирилганлиги ва уларнинг 15 таси Ўзбекистон Экология ҳаракатига ажратилганлиги бўлди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайловда иштирок этиш тўғрисидаги қарори Марказий сайлов комиссияси томонидан маълумот учун қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ
БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртacha 127,5 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрига қадар шакллантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2009 йилнинг 28 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2009 йилнинг 17 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2009 йилнинг 18 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2009 йилнинг 23 октябрида бошланади ва 2009 йилнинг 11 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2009 йилнинг 14 ноябрида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2009 йилнинг 21 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2009 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

8. Участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини хамма танишиб чиқиши учун 2009 йилнинг 12 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориши кийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2009 йилнинг 20 декабрига қадар тақдим қиласди;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайди;

2009 йилнинг 17 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этади.

9. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ;

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2009 йилнинг 26 декабря тугайди. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди;

овоз бериш 2009 йил 27 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, участка сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 27 декабрь куни овоз бериш тугагач, овоз бериш якунларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида кўриб чиқиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига 2010 йилнинг 2 январига қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати 2010 йилнинг 7 январига қадар матбуотда эълон қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2010 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 47¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибида 2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

15. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР
СМЕТАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги Конуни 64-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Конуни 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси сайловини ўтказиш даврида молиялаштириш қўйидаги тартибда:

марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш – Марказий сайлов комиссияси томонидан;

округ ва участка сайлов комиссияларининг Олий Мажлис Конунчилик палатаси сайлови билан боғлик харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан (улар жойлашган манзилига кўра тегишли туман ва шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали) амалга оширилади.

3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда сайлов учун ажратилган маблағлар ўз вақтида тегишли мутасадди ташкилотларга ажратилишини таъминлаш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринbosари Қ.Тоғаев зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 сентябрь.*

* Илова чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ
ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ
ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Конуни 5-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конуни 6, 11, 17¹, 23¹, 47¹, 47⁴- моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг қуидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлари тасдиқлансан (илова қилинади):

1. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида Низом;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Йўриқнома;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида Низом;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом;
6. Сиёсий партия ваколатли вакилининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиши Тартиби;

7. Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисида Йўриқнома.

II. Ушбу норматив-хукуқий ҳужжатларни белгиланган муддатда чоп этилиши ташкил қилинсин ва барча сайлов комиссияларига етказилсин.

III. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Котиби О. Соатов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 сентябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КҮРСАТИШ ВА УЛАРНИ
САЙЛАШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси түғрисида»ги Конституциявий Қонун, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида»ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартибини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (бундан буён – Қонунчилик палатаси) депутатлигига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан (бундан буён – Экоҳаракат) номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш олий орган – Экоҳаракат Конференцияси томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича экоҳаракат Конференциясида (бундан буён – Экоҳаракат Конференцияси) Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлигидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан) бир нафардан плюс Экоҳаракатнинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан бир нафар, жами ўн беш нафар депутат сайланади.

2. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш учун мазкур ҳаракат сайловга камида етмиш кун қолганида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига (бундан буён – Марказий сайлов комиссияси) қонунга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиши тўғрисидаги қарорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Экоҳаракат қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотномасини тақдим этади.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган хужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат вакилига сана қайд этилган маълумотнома беради ва беш кунлик муддатда Экоҳаракатнинг Конференциясини ўтказишга доир тегишли қарор қабул қиласи. Экоҳаракат Конференцияси Қонунчилик палатаси депутатлари ваколатлари конс-

титуциявий муддати тугаган йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу масала юзасидан қарори марказий матуботда эълон қилинади.

4. Марказий сайлов комиссиясининг Экоҳаракатнинг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференцияси ўтказилиши тўғрисидаги қарорига мувофиқ унинг бошланишига камида ўттиз беш кун қолганида Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмаларининг конференциялари ўтказилиб, уларда Экоҳаракат Конференциясига Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан тенг миқдорда йигирма беш нафар делегатдан сайланади. Делегатлар ўн саккиз ёшга тўлган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари конференцияларида Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирок этади.

5. Экоҳаракат Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар қўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференция ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди ва унинг ўтказилишидан ўн кун илгари бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор этади.

Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат Конференциясида иштирок этиш учун ўз вакилларини белгилайди.

6. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилади.

Экоҳаракатнинг Конференциясида кузатувчилар, шу жумладан хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар қўрсатиш бўйича тадбирлар ёритиш учун давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони бепул ажратилади.

7. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар бўйича таклифларни аниқлаш ва киритиш учун Экоҳаракат Конференциясида очик овоз бериш орқали овозларнинг оддий кўпчилиги билан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар қўрсатиш бўйича Кенгаш (бундан буён – Кенгаш) сайланади. Кенгаш Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан обрўли делегатлар орасидан раис ва аъзолар таркибида 15 кишидан иборат сайланади.

Кенгаш мажлисини алоҳида хонада ўтказади. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар қўрсатиш учун шахсларни танлаш Экоҳаракат фаолиятида фаол иштирок этаётган ҳамда табиат ва аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича парламентда самарали ишлашга қодир, Экоҳаракат Конференцияси делегатлари орасидан амалга оширилади.

Кенгаш депутатликка номзод сифатида ҳар бир маъмурий-худудий бирлиқдан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан) учдан беш кишигача ва Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан камида иккита номзод кўрсатади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхати Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-худудий бирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри) бўйича алоҳида тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари ҳамда 25-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб беришлари шарт.

8. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхати Экоҳаракат Конференциясида Кенгаш раиси томонидан ўқиб эшилтирилади.

Кенгашнинг бир ёки бир нечса аъзоси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сифатида кўрсатилган тақдирда улар ўрнига Кенгашга ушбу Низомда белгиланган тартибда бошқа делегатлар сайланади.

9. Экоҳаракат Конференциясида Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади.

Экоҳаракат Коференциясида иштирок этаётган ҳар бир делегат Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодга саволлар бериш, номзодга нисбатан ўз фикрини билдириш хуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод фамилияси яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат Конференциясида Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Яширин овоз бериш бюллетени Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намуна бўйича тайёрланади.

Яширин овоз бериш бюллетени уни тўлдириш тартиби ҳақида тушуниришдан иборат бўлиши лозим. Бюллетень юз томонининг ўнг юқори бурчагида Саноқ комиссиясининг муҳри ва камида икки аъзоси имзолари бўлиши керак.

10. Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилганидан сўнг унинг фамилиясини яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинган бўлса, эгаллаб турган лавозимидан (хизматидан) озод қилиш тўғрисидаги аризаси талаб қилинади.

Экоҳаракат Конференциясида иштирок этаётган делегатларнинг қўпчилиги овозини олган делегат яширин овоз бериш бюллетенига киритилган хисобланади.

11. Экоҳаракатдан депутатларни сайлаш бўйича овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-худудий бирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шахри) ва Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўйича алоҳида ўтказилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-худудий бирлиги ва Экоҳаракатнинг Марказий Ижроия қўмитаси бўйича овоз берувчиларга алоҳида бюллетенъ берилади.

12. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун делегатлар орасидан етти нафар аъзо, шу жумладан комиссия раиси ва котибидан иборат Саноқ комиссияси сайланади.

Саноқ комиссияси таркиби Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Кенгаш раиси ва аъзоси сайланиши мумкин эмас.

Саноқ комиссияси:

Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича овоз беришни ташкил қиласди ва ўтказади;

делегатларга яширин овоз бериш вақти, жойи ва тартибини эълон қиласди;

яширин овоз бериш бюллетенларини, уларга Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исмини алифбо тартибида киритиш йўли билан туғилган санаси, лавозими (машғулот тури) ва иш жойини кўрсатган ҳолда тайёрлайди;

овоз берувчиларнинг рўйхатини аниқлайди, уларга яширин овоз бериш бюллетенларини беради;

яширин овоз бериш бюллетенларининг юз томонига муҳр қўяди ва бюллетенда комиссиянинг камида икки нафар аъзоси имзолари бўлишини таъминлайди;

овозларни санаб чиқади ва яширин овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади;

яширин овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани Конференция тасдиғига киритади.

13. Яширин овоз бериш бошланишидан олдин Саноқ комиссиясининг раиси овоз бериш ўтказилиши тартибини эълон қиласди, комиссия аъзолари ҳозирлигига сайлов қутисини текширади ва муҳрлайди.

Экоҳаракат Конференциясида иштирок этаётган делегат Саноқ комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни тақдим қиласди ва овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга яширин овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод фамилияси рўпарасига, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўйиш орқали тўлдирилади.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенларини кўринарли жойда туриши лозим бўлган сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчининг илтимосига биноан янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тутаганидан кейин фойдаланилмаган, шунингдек бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетенлари намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган маҳсус штамп қўйилиши орқали бекор қилинади. Шундан сўнг улар муҳрланади ва алоҳида сақланади.

14. Овозларни санаб чиқиш Саноқ комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқлангунга қадар танаффусиз амалга оширилади.

Сайлов қутисидаги яширин овоз бериш бюллетенларига асосан Саноқ комиссияси:

овоз беришда иштирок этган делегатларнинг умумий сонини;

бюллетенлар олган делегатлар сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Белгиланмаган намунадаги яширин овоз бериш бюллетенлари, шунингдек, овоз беришда белги-крестик биттадан ортиқ квадратга қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

15. Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, башарти Конференцияда иштирок этган делегатларнинг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Агар номзодларнинг бирортаси овоз беришда иштирок этган Экоҳаракат Конференцияси делегатлари овозлари эллик фоизидан кўпроғини ололмаган бўлса, шу Конференцияда энг кўп овоз олган икки нафар депутатликка номзодлар бўйича такrorий овоз бериш ўтказилади. Такrorий овоз беришда бошқа депутатликка номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг айrim маъмурий-худудий бирлиги ёки Экоҳаракатнинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони ўттиз фоиздан ортиғини ташкил қиласа, ушбу Конференцияда Ўзбекистон Республикасининг мазкур маъмурий-худудий бирлиги ва Экоҳаракатнинг Марказий Ижроия қўмитаси бўйича такrorий овоз бериш ўтказилади.

16. Саноқ комиссияси томонидан овоз бериш натижалари бўйича баённома тузилиб, у Саноқ комиссияси раиси, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади. Баённомани қаламда тўлдириш ва унга бирон-бир тузатиш киритишга йўл қўйилмайди. Баённома Саноқ комиссияси раиси томонидан ўқиб эшиттирилади. Саноқ комиссиясининг ушбу баённомаси раислик қилувчи томонидан очиқ овозга қўйилади ва оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

Баённома Саноқ комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда, Экоҳаракат Конференцияси Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қиласи.

17. Экоҳаракат Конференциясида баённома юритилиб, у раислик қилувчи томонидан имзоланади.

18. Экоҳаракат Конференциясида Марказий сайлов комиссиясига хужжатларни тақдим этиш учун Экоҳаракат олий органининг вакили сайланади.

19. Экоҳаракат олий органининг вакили Экоҳаракат Конференцияси ўтказилганидан кейин уч кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига сайланган Қонунчилик палатаси депутатларининг рўйхатини тақдим этади.

Унга қуйидагилар илова қилинади:

Экоҳаракат олий органи – Экоҳаракат Конференциясининг ушбу ҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайланганлиги тўғрисидаги қарори;

Экоҳаракат олий органи – Экоҳаракат Конференцияси баённомасидан кўчирма, унда Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойи кўрсатилади;

сайланган депутатнинг Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинган тақдирда бажараётган иши (хизматидан) озод қилиш ҳақидаги аризаси.

20. Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат олий органининг тегишли қарори асосида сайланган Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олади ва бу ҳақда уларни ёзма равишда хабардор қиласди.

21. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари тақорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар Экоҳаракатдан депутатлар сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

агар тақорий овоз бериш сайланган Қонунчилик палатаси депутатини аниқлашга имкон бермаган бўлса;

агар камида икки нафар депутатликка номзод кўрсатилиб, уларнинг биронтаси сайланмаган бўлса.

Депутатларнинг тақорий сайлови Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан Экоҳаракат олий органи – Экоҳаракат Конференцияси томонидан асосий сайловдан кейин бир ойдан кечиктирмай, ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

22. Конференция қарорлари, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ баённома ва бошқа хужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 28 декабрдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари сайлови ва референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ хужжатларни саклаш ва архивга топшириш тартибига мувофиқ Экоҳаракат архивида сакланади.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА, ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ
САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАМДА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА**

ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Мазкур Йўриқнома амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссияларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, Ўзбекистони Республикаси Молия вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлималарига нисбатан татбиқ этилади.

I. Умумий қоидалар

1. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари хисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар хисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-куватлаш тақиқланади.

2. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

3. Сайлов кампаниясини ўтказиш даврида молиялаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан (бундан буён матнда – МСК);

округ ва участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов билан боғлик харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан округ сайлов комиссиялари жойлашган манзилга кўра тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг бухгалтериялари (бундан буён матнда – тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги бухгалтерияси) орқали;

халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига сайлов харажатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали.

II. Сайлов харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва тўлаш

4. МСК бюджет талабномасини тақдим этаётганда (башарти, режалаштираётган йилда қонунчиликка мувофиқ сайлов мўлжалланган бўлса) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини белгилайди.

5. Давлат бюджети асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун тасдиқланган харажатлар ҳажмларини МСКга маълумот учун етказади.

6. МСК тасдиқланган харажатлар ҳажмларига ҳамда сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириши ўз ичига олган МСКнинг марказлаштирилган харажатлари ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик харажатларини алоҳида ҳисоб-китоб қилиш асосида МСК нинг ва участка сайлов комиссиялари харажатларини эътиборга олган ҳолда ҳар бир округ сайлов комиссиясининг индивидуал харажатлар сметасини тасдиқлади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган харажатлар ҳажмларига мувофиқ ҳудуд бўйича сайлов харажатлари сметаси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ҳамда туман ва шаҳардаги сайлов комиссияларининг харажатлари бўйича ҳисоб-китоб илова қилинган ҳолда тасдиқланади.

7. Харажатлар сметаларини тузишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда МСК томонидан тасдиқланадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш харажатларини молиялаштириш жадвали ҳисобга олинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов харажатларини молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси асосида давлат маблағлари ҳисобидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

МСКга марказлаштирилган харажатларга, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга – МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги топшириқлар сертификатлари ва тўлов топшириғи бериш йўли билан ғазначилик орқали;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатлари учун округ сайлов комиссияларига – округ сайлов комиссиялари жойлашган манзил бўйича туман (шаҳар) ғазначилиги бўйлимлари орқали ҳамда вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссияларининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари учун зарур суммаларни республика бюджети асосий ҳисоб рақамидан 23402 (005) Республика ғазначилик ҳисоб рақамига 23402 (006) ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан топшириқ сертификатлари ва тўлов топшириқларини расмийлаштириш йўли билан ғазначилик тегишли ҳудудий бошқармалари орқали.

9. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори МСК томонидан белгиланади.

10. Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари белгиланган тартибда Республика ғазначилик ҳисоб рақами 23402 (006) дан партиянинг ушбу мақсадлар учун маҳсус очилган ҳисоб рақамига Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда МСК томонидан Молия вазирлиги ғазначлигига тақдим этилган тўлов топшириқномалари асосида ўтказилади.

Шунингдек, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун МСКнинг маҳсус банк ҳисоб рақамидан партиянинг ушбу мақсадлар учун маҳсус очилган ҳисоб рақамига сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан сайловни ўтказиш учун ихтиёрий равишда берилган маблағлар ўтказилиши мумкин.

11. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишиларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

12. Сайлов учун мўлжалланган маблағларни сарфлаш учун ғазначиликнинг тегишли бўлинмалари хузурида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси асосида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга қўра МСК ва округ сайлов комиссиялари, шунингдек тегишли худуд сайлов комиссиялари учун Давлат бюджети харажатлари 233-бўлими бўйича ғазначилик ҳисоб ва рақалари очилади.

Сайлов учун мўлжалланган маблағларни ҳисобга олиш ва сарфлаш учун сиёсий партияларга хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда партиянинг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда ушбу Йўриқноманинг 10-бандида кўрсатилган маҳсус ҳисоб рақамлари очилади.

13. Олий Мажлисга сайлов кампаниясини молиялаштириш учун сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар МСКга хизмат кўрсатувчи тегишли банкда очилган маҳсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ёзилади.

14. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағларни сарфлаш МСК қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

15. Округ ва участка сайлов комиссиялари харажатларини тўлаш учун тегишли округ сайлов комиссияси қарори асосида тегишли ҳокимликлар бухгалтериялари ғазначиликнинг уларга хизмат кўрсатадиган ҳудудий бўлинмаларига тегишли округ сайлов комиссияси раиси (биринчи имзо) ва тегишли ҳокимликнинг бош бухгалтери (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов топшириклари тақдим этилади. Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан ғазначиликнинг уларга хизмат кўрсатадиган ҳудудий бўлинмаларига белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг (биринчи имзо) ва тегишли ҳокимликлар бош бухгалтерларининг (иккинчи имзо) имзо намуналари ҳамда МСКнинг комиссия шахсий таркиби бўйича қарори нусхаси тақдим этилади.

16. Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртacha иш ҳақи тўлаш сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосининг асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш

вазифасини бажаришдан ўртача иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

17. Сиёсий партиялар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч кунлик муддатда фойданилмаган маблағлар қолдиқларини МСКнинг ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда Республика ғазначилик ҳисоб рақамига ўтказадилар. Сўнгра ушбу маблағлар бир банк куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

18. Агар сайлов натижаларига кўра сиёсий партия фракция тузиш учун зарур микдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, МСК томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга ажратилган маблағларни сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч ой мобайнида МСКга унинг ҳисоб варагини кўрсатган ҳолда Республика ғазначилик ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак, МСК эса бир банк куни мобайнида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак.

19. Товар-моддий қимматликларнинг қолдиги округ комиссияси раисининг қарори билан сайлов натижалари эътироф этилганидан кейин тегишли ҳокимлик балансига ҳақ тўламаган асосда қабул қилинади.

III. Ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик

20. Сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг 233-бўлими тегишли параграфига мувофиқ амалга оширилади.

21. Давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисбот сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг қуидагича тақдим қилинади:

сиёсий партиялар томонидан сайлов билан боғлиқ харажатларга ажратилган маблағлар бўйича – МСКга 20 кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг ойлик, чорак ва йиллик бухгалтерия ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим қилиш Қоидаларининг (рўйхатга олиш № 1865 2008 йил 13 октябрда) (бундан буён Қоидалар) 2-иловасидаги шаклга мувофиқ;

МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига алоҳида сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар ва сиёсий партияларнинг сайлов вақтидаги харажатлари бўйича 30 кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқнома иловаси ва Қоидалар 2-иловасидаги шаклга мувофиқ;

тегишли ҳокимликлар бухгалтериялари томонидан – Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли молия бошқармаларига, ғазначиликнинг тегишли бўлинмалари билан келишилган ҳолда 20 кундан кечиктирмасдан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимиёт вакиллик органларига сайлов бўйича алоҳида мазкур Йўриқнома иловаси ва Қоидалар 2-иловасидаги шаклга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тегишли ҳудуддаги округ сайлов комиссиялари бўйича ҳар бир Олий Мажлис сайлови бўйича округ юзасидан алоҳида жамлама ҳисоботни – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 25 кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқнома иловаси ва Қоидалар 2-иловасидаги шаклга мувофиқ.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича харажатлар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби тегишли ҳокимликлар бухгалтериялари томонидан асосий харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобидан алоҳида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош тафтиш-назорат бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар.

24. Тегишли сайлов комиссиялари раислари маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдирлар.

V. Якуний қоидалар

25. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий сайлов комиссиясининг

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига,
халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш
ва уни ўтказишни молиялаштириш хамда
маблағлардан фойдаланиш тартиби
тўғрисида”ги Йўриқномасига
илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА
ХИСОБОТ**

Худуд _____

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят

Ўлчов бирлиги: минг, сўм

ХАРАЖАТЛАР

Кўрсаткич	Сатр коди	Тасдиқ-ланган	Ижро этилган	
			касса	факт
1	2	3	4	5
Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича комиссияларнинг харажатлари				
Округ комиссияларининг сони	010			
Сумма	020			
Участка комиссияларининг сони	030			
Сумма	040			
Марказий сайлов комиссиясининг жами:	050			
Шу жумладан				
Марказлаштирилган харажатлар	060			
Сиёсий партияларнинг харажатлари	070			
Жами (020+040+050)	(080)			

Сайлов комиссиясининг раиси (молия органининг бошлиғи): _____

Бош бухгалтер: _____

200 ____ йил « ____ » _____

Изоҳ: Жамлама ҳисобот молия органи бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

**ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАР ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ
ХАРАЖАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Ҳудуд _____
Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят

Ўлчов бирлиги: минг, сўм

ХАРАЖАТЛАР

Кўрсаткич	Сатр коди	Тасдиқланган	Ижро этилган	
			касса	факт
1	2	3	4	5
Комиссияларнинг сайлов бўйича харажатлари:				
Вилоят комиссиялари: комиссиялар сони	010			
Сумма	020			
Туман ва шаҳар комиссиялари: комиссиялар сони	030			
Сумма	040			
Жами (020+040)	(060)			

Сайлов комиссияси раиси (молия органининг бошлиғи): _____

Бош бухгалтер:_____

200 ____ йил «____» _____.

Изоҳ: Жамлама ҳисобот молия органи бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВДА БОШҚА
ДАВЛАТЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРДАН
ҚАТНАШАДИГАН КУЗАТУВЧИЛАР ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишида бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар (бундан бўён матнда хорижий (халқаро) кузатувчилар деб юритилади) қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишида бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар (бундан бўён матнда хорижий (халқаро) кузатувчилар деб юритилади) қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда келади.

3. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан бўён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

4. Хорижий (халқаро) кузатувчилар ўз фаолиятларини мустакил равища амалга оширадилар. Уларнинг моддий-маиший таъминоти уларни вакил сифатида юборган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**II. Хорижий (халқаро) кузатувчиларни рўйхатдан
ўтказиш тартиби**

5. Хорижий (халқаро) кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш таклифини Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар

вазирлиги киритади. Таклифда кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, иш жойи, қайси давлат, халқаро ташкилот ва ҳаракат вакили эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тахминий жойи кўрсатилиши лозим.

6. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида Ўзбекистонга сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун келган хорижий (халқаро) кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади ва бу хақда қарор қабул қилинади.

7. Марказий сайлов комиссияси хорижий (халқаро) кузатувчиларга белгиланган намунашаги мандат беради (илова қилинади). Ушбу мандат хорижий (халқаро) кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлади.

III. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиши тартиби

8. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Марказий сайлов комиссияси қарорлари ва ушбу Низом билан тартибга солинади.

9. Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳимояси остида бўладилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари ўз ваколатлари доирасида хорижий кузатувчиларга ўз фаолиятини амалга оширишига кўмаклашадилар.

11. Хорижий (халқаро) кузатувчи барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида Марказий сайлов комиссияси томонидан унга берилган мандатни ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши лозим.

12. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасига мувофиқ хорижий (халқаро) кузатувчилар:

округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқиша ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;

агар сайлов участкасида сайлов тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш хукуқига эга.

Хорижий кузатувчилар, шунингдек, Экохаракатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиши мумкин.

13. Шунингдек, хорижий (халқаро) кузатувчилар:

сайлов комиссияси вакилларига, уларнинг ишларига аралашмаган ҳолда ўз кузатувлари, тавсиялари ҳақида ахборот бериш;

овоз бериш вақти тугагач, сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фикрини баён қилиш;

сайлов ташкилотчиларига, давлат ҳокимияти органларига ҳамда тегишли мансабдор шахсларга сайлов ўтказишни кузатиш натижалари бўйича ўз хулосаларини тақдим этишга ҳақлидир.

14. Хорижий (халқаро) кузатувчилар:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига амал қилишлари;

Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандатни олиб юришлари ҳамда сайлов ташкилотчилари талабига мувофиқ уни кўрсатишлари;

сайлов устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажаришлари, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон-бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечишлари;

сайлов жараёнига аралашмасликлари;

ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳаққоний материалга асослантиришлари лозим.

15. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасига мувофиқ хорижий (халқаро) кузатувчиларга қуидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

16. Агар хорижий (халқаро) кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса, Марказий сайлов комиссияси хорижий (халқаро) кузатувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

17. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

илова

**ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) КУЗАТУВЧИ МАНДАТИНИНГ
НАМУНАСИ ВА ТАВСИФИ**

МАНДАТ

001

Хорижий (халқаро) кузатувчи

_____ (фамилияси)

_____ (исми)

_____ дан
(мамлакат, ташкилотнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси сайловида
хорижий (халқаро) кузатувчи
сифатида рўйхатдан ўтказилди

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. Ў.

_____ (имзо)

200__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир.

Шахсни тасдиқловчи хужжат кўрсатилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Хорижий (халқаро) кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи хужжатдир.

Мандат намунада реквизитлари келтирилган 140x100мм. ўлчовли уч хил рангдаги намунавий бланқда расмийлаштирилади. Мандатда унинг тартиб раками, хорижий (халқаро) кузатувчининг фамилияси, исми, уни вакил сифатида юборган мамлакат ва (ёки) ташкилот номи, мандатнинг муддати ва амалда бўлиш шарти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг гербли думалоқ муҳри голограммаси билан мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг имзоси қўйилади.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ
УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА
ЙЎРИҚНОМА**

I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида, сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

2. Сайлов участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш түғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

3. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Участка сайлов комиссияси таркибий сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

4. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси округ сайлов комиссиясининг қарори билан қуидаги ҳолларда муддатидан илгари комиссия аъзоси ваколатларидан маҳрум этилиши мумкин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда;

комиссия аъзолигидан чиқаришни сўраб ариза берганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

комиссия аъзосига нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

комиссия аъзоси вафот этганда.

Зарур бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади. Ушбу идоранинг сайлов ҳужжатларига қўйилган асосий муҳри участка сайлов комиссиясининг муҳрига тенглаштирилади.

6. Участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласида ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади, сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади, аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади, овоз бериш бинолари, сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди, сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади, сайловга тайёргарлик кўриш, овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласида, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

II. Участка сайлов комиссиялари биноларини жиҳозлаш

7. Участка сайлов комиссияларининг бинолари лозим даражада жиҳозланган бўлиши керак. Туман, шаҳар ҳокимликлари участка комиссиялари аъзолари самарали ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари, алоқа воситалари (шу жумладан телефон алоқаси) билан таъминлашлари лозим.

Овоз бериш биноси пештоғига сайлов участкаси рақами ифодаланган кўрсаткич, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи («Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Конун талаблари асосида) ўрнатилиши керак. Сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида овоз бериш

биносига киришгача, бинога олиб борувчи йўналишларга кўрсаткич белгилар қўйилади.

Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ичида ёки унинг ёнида участка сайлов комиссияси томонидан маҳсус стенд жиҳозланади. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни бўйича маълумотлар жойлаштирилади. Хусусан, стендда барча рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисида маълумотлар бўлиши мумкин. Ушбу маълумотлар, қоида тариқасида, номзодларнинг таржимаи ҳолидан иборат бўлиб, уларда сайловолди ташвиқоти элементлари акс этмаслиги керак.

8. Участка сайлов комиссияси биносида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари, Марказий сайлов комиссиясининг участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир қарорлари, йўриқномалари, низомлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар, плакатлар;

сайлов участкаси харитаси ва жойлашуви;

участка сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

сайловчилар рўйхати;

овоз бериш хоналари ёки кабиналари, сайлов қутилари;

сайлов кунига қадар алоҳида жиҳозланган ва мутахассис билан таъминланган тиббий ёрдам хонаси бўлиши лозим.

**III. Участка сайлов комиссияси ишини ташкил этиши
ва унинг ваколат муддати**

9. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ участка сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётганда комиссия таркибининг камидан учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар teng бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

10. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

11. Участка сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринbosари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

12. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

13. Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига хамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқукига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлири ва жавоб қайтаришлари шарт.

14. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, одатда, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади.

15. Участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тутатади.

IV. Участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиш

16. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи факат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

17. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди, уларнинг имзолари участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

18. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайди хамда участка сайлов комиссияларига сайловчилар рўйхатини тузиш учун тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида зарур маълумотларни беришлари лозим.

19. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

20. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

21. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади (алифбо бўйича, қишлоқма-қишлоқ, аҳоли пунктлари бўйича, оиласа-оила, кўпқаватли уйлар бўйича ва х.к.).

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш манзили кўрсатилиши керак.

22. Участка сайлов комиссиясининг раиси ва котиби имзолаган сайловчилар рўйхатидан сайловчини чиқариш фақат фуқароларни рўйхатга олишни (хисобини олиб боришни) амалга оширувчи органларнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Сайловчилар рўйхатидан фуқаро чиқарилган сана ва бунинг сабаби сайловчилар рўйхатида («алоҳида белгилар» устунида) қайд этилади ва участка сайлов комиссияси раисининг имзоси билан тасдиқланади.

V. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билин таништириш

23. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 33-моддасига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, яъни кечи билан 2009 йилнинг 12 декабрида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловчилар рўйхати сайловга етти кун қолганида, яъни кечи билан 2009 йил 20 декабрда ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиб жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

24. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиб имконияти таъминланади. Рўйхат ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

25. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида, сайлов куни эса дарҳол бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

26. Овоз бериш тугалланиб, овозларни санаш бошлангандан кейин сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш тақиқланади.

VI. Сайлов варақаси билан муддатидан илгари овоз бериш

27. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 41-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиб сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка сайлов комиссиясида қолдириши мумкин. Конвертнинг ёпиб елиманадиган жойига участка сайлов комиссияси икки аъзосининг имзолари қўйилади ҳамда ушбу имзолар комиссия мухри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссиясида муддатидан илгари овоз берган сайловчиларнинг ҳисоби юритилади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

28. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш ва уларни сайлов участкаларига етказиб бериш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайлов варақалари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилда нашр этилади. Сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг мухри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов варақалари овозларни санаб чиқиша ҳисобга олинмайди.

29. Сайловчига муддатидан олдин овоз бериш имконияти берилиши мумкин бўлган сабаблар қаторига қуидагилар киради – меҳнат таътили, хизмат сафари, меҳнат ёки ўқув фаолиятининг тартиби (режими), давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, сайловчи соғлигининг ахволи. Бунда сайловчининг бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли хужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

30. Муддатидан илгари овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси сайловчига эркин ва яширин овоз бериш имкониятини яратиб бериши керак. Сайловчининг хоҳиш-иродасига таъсир ўтказиш тақиқланади.

31. Участка сайлов комиссияси сайлов варақалари сонининг ҳисобини олиб боради. Уларнинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юклатилади. Участка сайлов комиссиясига сайлов варақалари округ сайлов комиссияси томонидан сайловдан ўн беш кун олдин, тегишли реестрга асосан берилади. Муддатидан илгари овоз берган фуқаронинг сайловчилар рўйхатидаги фамилияси рўпарасига «Муддатидан илгари овоз берди» деган белги қўйилади.

32. Сайлов варақалари солинган конвертлар 2009 йил 27 декабрь куни овоз бериш тугаганидан кейин сайлов қутиларини очишдан аввал участка сайлов комиссияларининг аъзолари иштирокида сайлов қутиларига ташланади.

VII. Округ сайлов комиссияларидан сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиш ва уларни тасдиқлаш

33. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқ участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлиги далолатномасини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

34. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди.

VIII. Овоз бериш

35. Овоз бериш маҳсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштириллади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

36. Овоз бериш 2009 йил 27 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади. Участка сайлов комиссияси сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида оммавий ахборот воситалари, таклифномалар, эълонлар ва шу кабилар орқали сайловга камида ўн кун қолганида хабардор қиласиди.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

37. Сайлов қуни (2009 йил 27 декабрда) овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камидан учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қиласди. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

38. Сайлов қутиларини муҳрлаш учун участка сайлов комиссиясининг металл муҳридан фойдаланиш даркор. Сайлов қутиларни муҳрлашда сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этишлари мумкин. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Агар кузатувчи участка сайлов комиссияси фаолиятига халақит берса, фуқаролар ўзларининг сайлов хуқуқларини амалга ошираётганларида бу жараёнга аралашса ёки яширин овоз бериш тартиб ва қоидаларини бузадиган бўлса участка сайлов комиссияси уни овоз бериш хонасидан чиқарib юборишга ҳақли. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси кузатувчини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишни сўраб тегишли органларга тақдимнома киритиши мумкин.

39. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 40-моддасига мувофиқ сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади. Сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат деганда паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат тушунилади. Паспорт ўрнини босадиган ҳужжатлар қаторига, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси ва ички ишлар органлари томонидан бериладиган белгиланган нусхадаги маълумотнома киради.

40. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Кабиналар яхши ёритилган, иш

столчалари билан жиҳозланган, ёзув ручкалари билан таъминланган бўлиши керак. Яширин овоз бериш учун кабиналар (хоналар) миқдори участкадаги сайловчиларнинг сонига қараб белгиланади. Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари ва сиёсий партиянинг ваколатли вакилидан бошқа бирон кишини яширин кабинаси ёки хонасига таклиф қилишга ҳақли.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

41. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси камида икки комиссия аъзосига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз бериш фақат сайлов куни, фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки (жумладан бошқа шахс ёрдамида етказилган) мурожаатномаси асосида ташкил этилади. Бундай мурожаатни фуқаро участка сайлов комиссияси ташкил этилганидан кейин хоҳлаган вақтда унга етказиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз беришда кузатувчилар иштирок этиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаатларига асосан овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида комиссияда муҳрланган кўчма сайлов қутиси ва фақат зарур миқдорда белгиланган шаклдаги сайлов бюллетенлари бўлиши керак. Тушган аризалар бўйича овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари бюллетенларни участка сайлов комиссияси раиси ёки котибидан имзо қўйиб оладилар. Участка сайлов комиссияси ихтиёридаги кўчма сайлов қутилари сони иккитадан кўп бўлмаслиги лозим.

IX. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиши

42. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ амалга оширилиши керак, унга биноан овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигига сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари

участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади (буллетень, варақанинг пастки чап бурчаги қирқиб ташланади ва бир тахламда боғланади).

43. Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади.

44. Овозларни санаб чиқиши ажратилган маҳсус жойда амалга оширилади. Бунда овозларни санаб чиқищда иштирок этаётганларнинг барчаси участка сайлов комиссияси аъзоларининг ҳаракатларини кузатиб туриш имкониятига эга бўлишлари лозим. Овозларни санаб чиқищда участка сайлов комиссияси раиси ва котибидан бошқа комиссия аъзоларининг барчасига ёзиш ашёлари (ручка, фломастер, қалам)дан фойдаланиш ман этилади. Овозларни санаб чиқиши сайлов натижалари аниқланмагунга қадар танаффусиз давом эттирилиши лозим.

45. Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди (сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари берилганилиги тўғрисида сайловчилар рўйхатида қайд этилган белгиларни санаш йўли билан аниқланади), ҳар бир депутатликка номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

46. Овозлар санаб чиқишини ташкил этиш чоғида сайлов қутисидан олинган бюллетенлар, варақаларни ёйиб, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақаларни ажратиб олиш ва санаш, шундан сўнг овозларни санаб чиқишига киришиш мақсадга мувофиқдир.

47. Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан участка сайлов комиссияси:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари, варақалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар хисобга олинмайди.

Белгиланган намунага мос бўлмаган сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. Ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетень, варақ ортига уни ҳақиқий эмас деб тан олиш сабаби ёзилади. Ушбу қайд участка сайлов комиссиясининг уч нафар аъзоси имзолари ва комиссия муҳри билан тасдиқланади.

Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

48. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринbosари, котиби ва бошқа барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринbosари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади.

Участка сайлов комиссиясининг баённомаси дарҳол округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Баённома икки нусхада тузилади, унинг ҳар бир нусхаси барча участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг иккинчи нусхаси, сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчилар рўйхати, участка сайлов комиссиясининг қарорлари, муҳри, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлган кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари рўйхати ва сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар участка сайлов комиссияси раиси томонидан муҳланган, кўриқланадиган хонада (бинода) комиссия ўз фаолиятини тугатгунга қадар сакланади.

X. Сайлов ҳужжатларини сақлаш ва топшириш тартиби

49. Участка сайлов комиссиясида сайлов ҳужжатларининг сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юкланади. Сайлов бюллетенлари, варагалари, сайловчиларнинг рўйхати, муҳрлар, одатда, темир сейфларда сакланади.

50. Участка сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари (сайлов бюллетенлари, варагалари, сайловчиларнинг рўйхати, мажлис баённомалари, шикоят ва аризалар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар) ва муҳрлари тегишли сайлов округидан сайланган депутат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин туман ва шаҳар ҳокимликларига далолатнома асосида сақлаш учун топширилади.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БҮЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА
ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ
САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ ЎТКАЗИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда – Қонунчилик палатаси) сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хуқуқ берилади.

2. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

3. Сиёсий партияларга ўзларининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш хуқуқи берилади. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликларга йўл қўйилмайди.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Номзодларнинг депутат этиб сайланиши учун ташвиқотни унинг номидан ишончли вакиллар олиб боришлиари мумкин.

4. Оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратадилар.

Даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа тегишли шароитлар яратишлари керак.

5. Оммавий ахборот воситалари ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боришлари ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим қилишлари керак.

II. Давлат оммавий ахборот воситаларининг бепул ажратиладиган эфир вақти, босма майдони

6. Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга бепул ажратилади.

7. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ажратиладиган бепул эфир вақтининг умумий микдори ҳафтасига 40 дақиқани ташкил этади.

Давлат телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган бепул эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошибинлар (tinglovchilar) йигиладиган) вақтига тўғри келиши керак. Ундан депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Чиқишларнинг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади.

8. Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган энг кам босма майдони умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фойзини ташкил қилиши керак.

Бепул ажратиладиган босма майдони умумий микдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ўртасида тенг микдорда тақсимланади.

Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг Марказий сайлов комиссияси қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида давлат даврий матбуот нашрларининг бепул тақдим этиладиган босма майдонини тақсимлайди ва сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари бепул эълон қилиниши муддатини белгилайди.

9. Депутатликка номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгиланган микдор ва ҳажмда бепул чиқиш хуқуқи берилади.

10. Сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ажратилган бепул эфир вақти ёки босма майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия фойдаланиши мумкин эмас, номзоднинг ўз сиёсий партиясидан бошқа номзод учун ташвиқоти бундан мустасно.

III. Оммавий ахборот воситаларининг ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдони

11. Давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган эфир вақти микдори ёки босма

майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун бепул ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги керак.

12. Нодавлат оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдони ажратишлари мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблари барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун teng ва бир хил бўлиши керак.

Кўрсатиладиган ахборот хизматларига тўловлар тарифи оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил тарзда белгиланади.

13. Депутатликка сиёсий партиялардан номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирлари олиб борганликлари учун пул маблағлари белгиланган тартибда сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун оммавий ахборот воситаларига ҳақ тўлаш сиёсий партиянинг ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

14. Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва тегишли сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

IV. Эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган талаблар

15. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

16. Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми teng бўлиши керак.

17. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

18. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиласиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас, сиёсий партиялар томонидан таъсис этилган нашрлар бундан мустасно.

19. Оммавий ахборот воситасининг ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радиода чиқишилар ўтказиш даврида сайлов

ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

V. Якуний қоидалар

20. Оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодлар шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишлари керак.

Депутатликка номзод таҳририятдан оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ишончли бўлмаган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли.

Мақола эълон қилиш натижасида ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган депутатликка номзод мазкур оммавий ахборот воситасида раддия эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб мазкур руҳн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши керак.

Телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади.

Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, депутатликка номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

21. Сайлов кампанияси пайтида муассислари (қузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишли сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

22. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

23. Депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг Конунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида сайловолди ташвиқоти ўтказишида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИНИНГ
САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШДА
ИШТИРОК ЭТИШИ ТАРТИБИ**

1. Ушбу Тартиб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуннинг 17¹, 42-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Конуннинг 5-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда сиёсий партия ваколатли вакилининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиши тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия ўз аъзолари орасидан сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш учун ваколатли вакилини тайинлаши мумкин.

3. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили сиёсий партиянинг тегишли худудий органи томонидан сайлов участкалари тузилганидан сўнг тайинланади.

4. Сиёсий партиянинг тегишли худудий органи раҳбари сайлов кунидан камида ўн беш кун олдин тегишли округ сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатини тақдим этади. Унда ваколатли вакилларнинг исм-шарифи, туғилган санаси ва жойи, паспорт серияси ва рақами, шунингдек улар овозларни санаб чиқишида иштирок этадиган сайлов участкаси кўрсатилиши зарур.

5. Округ сайлов комиссияси сиёсий партиялар ваколатли вакиллари рўйхати келиб тушган пайтдан бошлаб беш кун ичida сиёсий партиялар ваколатли вакилларини рўйхаттга олади ва уларга белгиланган намунашаги гувоҳномалар беради.

6. Сиёсий партиянинг тегишли худудий органи сайлов кунига қадар истаган вақтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясини бу ҳақда ёзма равища хабардор қилиб сиёсий партиянинг ваколатли вакилининг ваколатини тугатиши мумкин. Бу ҳолда округ сайлов комиссияси уни сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатидан чиқариб, унга берилган гувоҳномани бекор қилади.

7. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили:

участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқишида иштирок этиш;
фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари ва сайлов варагаларини санаб чиқиш ва бекор қилиш, уларни ҳақиқий эмас деб топиш натижалари билан танишиш;

овозларни санаб чиқиш натижаларини кўриб чиқиш ва баённома тузишда участка сайлов комиссияси мажлисида қатнашиш;

овозларни санаб чиқиш баённомаси билан танишиш хуқуқига эга.

8. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида ҳозир бўлишга;

сайловчиларга таъсир кўрсатиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатишга;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатишга;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, очишга, овозларни санаб чиқишга аралашишга ҳақли эмас.

9. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили такорий овоз бериш ўтказилган тақдирда хам сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этади.

10. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили қонунчиликка мувофиқ участка сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

11. Сиёсий партия ваколатли вакилининг ваколат муддати сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг тугайди.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2009 йил 17 сентябрдаги
417-сон қарори билан
тасдиқланган*

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ИМЗО ТҮПЛАШ ВА
ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИНГ ТҮҒРИ ТҮЛДИРИЛГАНЛИГИНИ
ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА
ЙЎРИҚНОМА**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 20-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар (бундан буён матнда – депутатликка номзод) кўрсатиш хукуқига эга.

2. Сиёсий партиялар сайлов кампанияси эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-куватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзоларини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

3. Маъмурий-худудий тузилмаларнинг бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) белгиланган намунада имзо варақаларининг бланкалари сиёсий партияларга сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилади.

5. Сайловчилар фақат битта сиёсий партияни қўллаб-куватлаб, бир марта гина имзо кўйишга хақли. Бундан сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади.

6. Имзо варақаси имзо тўплаган ваколатли шахс ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек, сиёсий партия туман, шаҳар бўлими раҳбари тасдиқлади.

7. Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади.

8. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

9. Имзо тўплаш якунланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

10. Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилади.

11. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳлари тузади ва улар таркибига адлия ва ички ишлар органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин.

12. Жалб этилган мутахассисларнинг хulosалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар соҳталашиборилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

13. Ишчи гуруҳлари Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тузилади.

14. Қўйидаги имзолар ҳақиқий эмас деб топилади:

а) Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилган кунга қадар сиёсий партия томонидан тўпланган имзолар;

б) имзо варақасига сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар сайловчиларнинг ўзи ёки сайловчилар имзоларини тўплаган шахс томонидан киритилмаган сайловчиларнинг имзолари;

в) сайлаш хуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг имзолари;

г) сайловчиларнинг имзо варақасига бирор-бир маълумотни кўрсатмасдан қўйилган ёхуд сайловчининг ўзи томонидан имзо қўйиш санасини кўрсатмасдан қўйган имзолари;

д) сайловчилар номидан бошқа шахс томонидан қўйилган имзолар;

е) сайловчиларнинг сайловчилар тўғрисидаги маълумотларда тузатишлар киритилган имзолари, агар бу тузатишлар сайловчи ёки имзо варақаларини тасдиқловчи шахслар томонидан қўшимча имзо билан тасдиқланмаган бўлса.

15. Текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олинади.

Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камида 15 фоизи текширувдан ўтказилади.

16. Агар сайловчиларнинг танлаб текшириш пайтида аниқланган ҳақиқий бўлмаган имзолари сони текширилиши керак бўлган сайловчилар имзолари умумий сонининг ўн фоизидан ортиқроғини ташкил этса, имзо варақаларини бундан буёғига текшириш тўхтатилади.

Агар сайловчиларнинг сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб тақдим этилган имзолари, бу имзолардан ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони чегириб ташланганда, уларнинг сони рўйхатга олиш учун етарли бўлмай қолган тақдирда ҳам текшириш тўхтатилади.

17. Текшириш учун ҳар бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб тўпланган сайловчилар имзоларининг бир хилдаги сони ажратиб олинади.

18. Ишчи гурӯҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганига, йўл қўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганигига, ўхшаш имзолар, тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берадилар.

19. Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

20. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириши жараёнида сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин. Уларнинг ваколатлари сиёсий партия республика органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Марказий сайлов комиссияси текшириш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партияларга олдиндан маълум қиласи.

21. Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари сони, сайловчиларнинг текширилган имзолари сони, сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолари сони кўрсатилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига илова қилинади.

22. Қарор қабул қилингандан кейин баённомага ўзгартишлар киритишига йўл қўйилмайди.

23. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига берилади.

24. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ҮТКАЗУВЧИ САЙЛОВ
ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТҮҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов түғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига асосан, Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ** :

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатасига
депутатлар сайловини үтказувчи қуидаги сайлов округлари тузилсин:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

1-Нукус сайлов округи

(Маркази – Нукус шахри, Нукус спорт колледжи биноси)

Нукус шаҳрининг: Ҳаво йўллари, Шымбай шайхана, Халқлар дўстлиги,
Шығыс, Шоирлар овули, Тинчлик, Дўстлик, Сарбиназ, Тунгыш коныс,
Курылышы, Қоскол-2, Алмазар, Ели абат, Дарбент, Каттагар, Гоне қала, Қум
овул, Жеке Терек, Туран, Темир йўл, Орнек, Нур, Қоскол-1, Қоскол-3, Май
овул, Қизил қўм, Жайхун, Наврўз, Наўқан боғ, Жуазшы, Бестобе маҳалла
фуқаролар йиғинлари ва Қоратоғ шаҳарча фуқаролар йиғинлари худудларини
тўлиқ қамраб олган чегараларида **(121,1)***.

2-Тўрткўл сайлов округи

(Маркази – Тўрткўл тумани маркази, 3-сонли болалар мусиқа ва
санъат мактаби биноси)

Тўрткўл тумани, Беруний туманининг: Навоий, Шимом, Матонат,
Тинчлик, Озод, Қизилқалъа овул фуқаролар йиғинлари худудларини тўлиқ
қамраб олган чегараларида **(131,7)**.

3-Элликқалъа сайлов округи

(Маркази – Элликқалъа тумани маркази, Элликқалъа тумани бандликка
кўмаклашиш маркази биноси)

Элликқалъа тумани, Беруний туманининг: Хоразм, Гулистон, Амир Темур,
Навоий, Дўстлик, Ахунбабаев, Беруний, Бўстон, Марказий, Шоббоз, Тўқимачи,

* Қавс ичидаги бир округ бўйича сайловчилар сони кўрсатилган (минг киши)

Қият, Ҳамза, Паҳтакор, Наврӯз, Бирлик, С. Қўзибаев, Турон, Ибн Сино, Ў.Жуманиязов, Палваш маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Шоббоз, Саркоп овул фуқаролар йиғинлари худудларини тўлиқ қамраб олган чегараларида (**132,9**).

4-Амударё сайлов округи

(Маркази – Амударё тумани маркази, З-сонли академик лицейи биноси)

Амударё тумани, Беруний туманининг Мустақиллик, Қангшартол, Найман маҳалла фуқаролар йиғини ва Бийбозар, Беруний, Дўстлик, Абай, Олтинсой овул фуқаролар йиғинлари худудларини тўлиқ қамраб олган чегараларида (**132,7**).

5-Хўжайли сайлов округи

(Маркази – Хўжайли тумани маркази, Хўжайли тиббиёт коллекшиони биноси)

Хўжайли тумани, Тахиатош шаҳри ва Шуманай тумани чегараларида (**130,5**).

6-Чимбой сайлов округи

(Маркази – Чимбой тумани маркази, Чимбой педагогика касб-хунар коллекшиони биноси)

Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманлари чегараларида (**123,5**).

7-Орол сайлов округи

(Маркази – Кўнғирот тумани маркази, Кўнғирот саноат касб-хунар коллекшиони биноси)

Кўнғирот, Мўйноқ, Қанликўл туманлари чегараларида (**121,7**).

8-Оқманғит сайлов округи

(Маркази – Нукус тумани маркази, Қутанкўл қишлоқ хўжалик касб-хунар коллекшиони биноси)

Нукус, Кегейли туманлари, Нукус шаҳрининг: Ботаника боғи, Таслақ-1, Таслақ-2, Айдын жол, Байтерек, Кебир овул, Кок-озек, Жийдели байсын-1, Жийдели байсын-2, Оқ жағиси, Саманбай-1, Саманбай-2 маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (**117,1**).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

9-Андижон сайлов округи

(Маркази – Андижон шаҳри, майший хизмат касб-хунар коллекшиони биноси)

Андижон шаҳрининг 1-сон, 2-сон, 4-сон, Пистамозор, Дўстлик, Мирпўстин, Шўрбулук, Исломобод, 7-сон, ал Бухорий, Ҳабибий, Бўстон, Андижон, Гулистон, Қаландархона, Жумабозор, Сой, Ёрбоши, Тожик маҳаллалари бўйлаб, Саъдий, 6-сон, Султон Жўра, Мустақиллик, Ҳамид Қодиров, Ишчилар, Маориф, Янги турмуш, Бобосаъдин, Бирлашган, Тахтакўприк, Кенгаш, Тўққизариқ, Маърифат, Ҳақиқат, Қайрағочтаги, Истиқлол, Шифокор, Майдонбозор, Яхши, Ғайрат, Ўзгариш, Эркин, Бобур, Муҳаммад Алибой, Боғишамол, Аббос Бакиров, Янгиҳаёт, Ҳ. Аҳмедов маҳаллалари чегараларида (**128,2**).

10-Олтинкўл сайлов округи

(Маркази – Олтинкўл тумани, Жалабек қишлоғидаги транспорт касб-хунар коллежи биноси)

Олтинкўл туманининг Сувюлдуз, Жалабек ва Кўмакай қишлоқлари, Андижон шаҳрининг 3-сон, 5-сон, Хурсандлик, Саноат, 10-сон, Мехнат, Фаробий, Гумбаз, 9-сон, Буюк Турон, Охунбобоев, Обод, Маданият, Иттифоқ, Дехқонбод, Чўлпон 100 йиллиги, Шодлик, Даъварзин, Паҳтакор, Озодлик, Бирлик, Наврўз, Уйғуробод, Намуна, Ўзбекистон, Ҳўтанариқ маҳаллалари чегараларида (**128,7**).

11-Бўз сайлов округи

(Маркази – Бўз тумани, педагогика касб-хунар коллежи биноси)

Бўз, Улуғнор туманлари, Шаҳриҳон туманининг Назармаҳрам, Ўзбекистон, Ҳақиқат, Абдубий қишлоқлари, Найнаво қишлоғининг Қўшқўноқ, Тўлқин, Азамат, Қумариқ маҳаллалари, Балиқчи туманининг Ўрмонбек, Бўстон, Олимбек қишлоқлари, Балиқчи қишлоғининг Қўрғонча ва Ўртақўргон маҳаллалари чегараларида (**133,4**).

12-Шаҳриҳон сайлов округи

(Маркази – Шаҳриҳон шаҳри, Андижон қишлоқ хўжалиги институти қошидаги Шаҳриҳон академик лицейи биноси)

Шаҳриҳон шаҳри, Шаҳриҳон туманининг Юқори Шаҳриҳон, Гулистон, Паҳтаобод, Тоштепа, Ўрта Шаҳриҳон, Янги йўл, Чўжа қишлоқлари, Найнаво қишлоғининг Қорабўйин ва Янги Найнаво маҳаллалари ҳудудлари, Асака туманининг Ўзбекистон қишлоғининг Дўрмон, Арғин, Тоштепа маҳаллалари, Қадим қишлоғининг Шўрқишлоқ, Қипчоқ маҳаллалари, Мустаҳкам қишлоғининг Оқбўйра, Намуна-Бўстон, Элаш-Қипчоқ маҳаллалари чегараларида (**130,7**).

13-Асака сайлов округи

(Маркази – Асака тумани, қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи биноси)

Асака туманининг Илғор, Кужган, Қоратепа, Ниёзботир қишлоқлари, Зарбдор қишлоғининг Янгисор, Дўнг, Эргашобод, Файзиобод маҳаллалари, Ўзбекистон қишлоғининг Т.Алиев, Новкан, Тувадоқ маҳаллалари, Қадим қишлоғининг Лабгардон, Дастурхончи, Қовоқтўпи, Тажриба станцияси, Қадим, Учтош маҳаллалари, Мустаҳкам қишлоғининг Мирзаобод, Катта тожик, Ҳонақа маҳаллалари ва Асака шаҳрининг тўлиқ ҳудуди чегараларида (**131,4**).

14-Марҳамат сайлов округи

(Маркази – Марҳамат тумани, майший хизмат касб-хунар коллежи биноси)

Марҳамат тумани, Асака туманининг Зарбдор қишлоғи Неъматобод, Сайдобод маҳаллалари, Булоқбоши туманининг Андижон шаҳарчаси, Кулла, Ширмонбулоқ қишлоқлари, Булоқбоши қишлоғининг Булоқбоши ва Чакар маҳаллалари чегараларида (**131,0**).

15-Хўжаобод сайлов округи

(Маркази – Хўжаобод тумани, халқ таълими бўлими биноси)

Хўжаобод тумани, Булоқбоши туманининг Майариқ, Найман қишлоқлари, Булоқбоши қишлоғининг Тошкечик, Иттифоқ, Гулистон, Тоштемир Раҳимов, Мирзакалон Исмоилий, Кумгузар маҳаллалари, Жалолқудук туманининг Ёрқишлоқ, Бештол, Жалолқудук қишлоқлари, Қатортол қишлоғининг Каттапольвон маҳалласи Кичикполвон кўчаси, Қатортол, Қораянтоқ, Маданият, Қиличмозор, Капа, Ҳамзаобод маҳаллалари чегараларида (**131,6**).

16-Пахтаобод сайлов округи

(Маркази – Пахтаобод шаҳри, Пахтаобод тиббиёт коллежи биноси)

Пахтаобод шаҳри, Пахтаобод туманининг Уйур, Иттифоқ, Паҳтакор қишлоқлари, Маданият қишлоғининг Дўстлик, Қирғизқўрғон, Андижон, Соҳил, Иттифоқ, Тинчлик, Бодроғобод, Холбой-ота, Ҳамза, Бўстон, Гулистон маҳаллалари, Жалолқудук тумани Охунбобоев шаҳри, Жанубий Оламушук шаҳарчаси, Ойим, Абдуллабий, Тешиктош қишлоқлари, Қатортол қишлоғининг Ақча, Каттапольвон, Гулистон, Шархончеки, Ғозичеки маҳаллалари чегараларида (**133,5**).

17-Қўрғонтепа сайлов округи

(Маркази – Қўрғонтепа шаҳри, Қўрғонтепа тиббиёт касб-хунар коллежи биноси)

Қўрғонтепа тумани, Хонобод шаҳри, Жалолқудук туманининг Гулистон қишлоғининг Бешкарам, Кесак, Ҳасанқовоқ маҳаллалари чегараларида (**132,7**).

18-Избоскан сайлов округи

(Маркази – Пойтуғ шаҳри, Избоскан педагогика ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллекцияни биноси)

Пойтуғ шаҳри, Избоскан туманининг Ўртоқлар, Янгизамон, Эркин, Избоскан, Шерматобод, Яккатут, Янгиқишлоқ, Намуна қишлоқлари, Пахтаобод туманининг Бўстон қишлоғи, Маданият қишлоғининг Маданият, Чорбоғ, Тошқўрғон, Избоскан, Мустақиллик, Саноат, Янги ҳаёт маҳаллалари чегараларида (**129,0**).

19-Хартум сайлов округи

(Маркази – Кўйганёр шаҳар типидаги посёлкаси, Кўйганёр академик лицейи биноси)

Андижон тумани, Избоскан туманининг Мойгир қишлоғи чегараларида (**131,7**).

20-Чинобод сайлов округи

(Маркази – Балиқчи тумани, Чинобод иқтисодиёт касб-ҳунар коллекцияни биноси)

Балиқчи туманининг Сиза, Эскиҳақулобод, Хўжаобод, Охунбобоев, Гулистон қишлоқлари, Балиқчи қишлоғининг Кўл, Исломобод, Каттабулок, Балиқчи, Марказ, Яккатол, Гўравон, Оққўрғон маҳаллалари, Олтинқўл туманининг Оразий, Охунбобоев, Кўштепасарой, Олтинқўл, Маслаҳат қишлоқлари чегараларида (**131,9**).

БУХОРО ВИЛОЯТИ

21-Бухоро сайлов округи

(Маркази – Бухоро шаҳри, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази биноси)

Бухоро шаҳрининг М.Наршахий, С.Боҳарзий, Фурқат, А.Навоий, Ф.Ғулом, Кўкалдош, Имом ал Бухорий, Ҳ. Олимжон, Жалол Икромий, А. Фитрат, С. Шерозий, Хўжа Гунжорий, Жўйбор, Абу Али ибн Сино, Низомий Ганжавий, М.Ашрафий, С.Раҳимов, Дилкушо, Ф.Хўжаев, М.Улуғбек, Шергирон, Чорбахосса, Кўксарой, Шайх ул Олам, Турки Жандий, Шарқ Юлдузи, М.Бурхонов, Ҳавзи Нав, Янгибод, Гулистон, Наврўз, Бунёдкор, Зарафшон, Амир Темур, Пири Дастигир, Шодлик, Р.Ҳамроев, Гулшан, Варахша, О. Хўжаев, Тўқимачи, Фошун, Дўстлик, Истиқлол, Ёшлиқ, Навбаҳор, Намозгоҳ, Баҳоуддин Нақшбанд, Афшор маҳалла, М. Торобий, Лоша, С.Айний, А.Дониш, Биҳиштиён, Тошмасжид, Ойбек, Хўжамушкин, Боғидашт, Абдуллоий Сипатмуний маҳаллалари чегараларида (**138,2**).

22-Когон сайлов округи

(Маркази – Когон шаҳри, Темир йўлчилар маданият саройи биноси)

Бухоро шаҳрининг Ситораи Моҳи Хосса, Гулчорбоғ, А.Ғиждувоний, Шайхон маҳаллалари, Отбозор, Ширбуддин қишлоқлари, Когон шаҳри, Когон, Коровулбозор туманлари, Бухоро туманининг Лоша, Кунжиқалъа, Юринболо, Шергирон қишлоқлари чегараларида (**133,0**).

23-Шоҳруд сайлов округи

(Маркази – Вобкент шаҳри, майший хизмат касб-хунар коллежи биноси)

Вобкент тумани, Бухоро туманининг Галаосиё шаҳри, Боғикалон, Сўфикоргар, Янги турмуш, Кўчкўмар, Қавола Маҳмуд, Истиқбол, Работиқалмоқ, Шехонча, Соҳибкор, Саховат қишлоқлари чегараларида (**127,2**).

24-Ибн Сино сайлов округи

(Маркази – Пешку тумани, Афшона тиббиёт коллежи биноси)

Пешку тумани, Ромитан туманининг Ромитан, Газли шаҳарлари, Ромитан, Шўрча, Қизилравот қишлоқлари ва Бофитуркон қишлоғидаги Қумработ, Марзия, Хўжаяуббон, Ҳазортут ва Ҳофизработ маҳаллалари чегараларида (**118,5**).

25-Варахшо сайлов округи

(Маркази – Жондор тумани, саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи биноси)

Жондор тумани, Ромитан туманининг Челонғу, Қўргон қишлоқлари, Бофитуркон қишлоғи Ҳазорбоғ аҳоли пункти чеграсида (**118,5**).

26-Пайкент сайлов округи

(Маркази – Қоракўл шаҳри, саноат ва транспорт касб-хунар коллежи биноси)
Олот ва Қоракўл туманлари чеграсида (**138,6**).

27-Жилвон сайлов округи

(Маркази – Шоғиркон тумани, қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи биноси)

Шоғиркон тумани, Ғиждувон туманидаги Сармижон, Буктарой, Ф.Юнусов номидаги қишлоқлар чегараларида (**115,0**).

28-Ғиждувон сайлов округи

(Маркази – Ғиждувон шаҳри, тиббиёт коллежи биноси)

Гиждувон шаҳри, Зафаробод шаҳарчаси, Армечан, Фиришкент, Фовшун, Соктари, Улфатбиби, Позагари, Зарангари, Сарвари, Кўкча, Пахтаобод, Корахони қишлоқлари чегараларида (**125,1**).

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

29-Жиззах сайлов округи

(Маркази – Жиззах шаҳри, вилоят маънавият-тарғибот марказининг вилоят бўлими биноси)

Жиззах шаҳри, Жиззах туманининг Хайробод, Ҳамзаобод, Оқолтин қишлоқлари, Ғаллаорол туманининг Маданият, Булоқбоши қишлоқлари чегараларида (**129,9**).

30-Дўстлик сайлов округи

(Маркази – Дўстлик шаҳри, Дўстлик тумани тиббиёт коллежи биноси)

Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Фориш туманлари чегараларида (**128,7**).

31-Зарбдор сайлов округи

(Маркази – Зарбдор тумани, Зарбдор тумани иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси)

Зарбдор, Зомин, Янгиобод туманлари чегараларида (**131,5**).

32-Ғаллаорол сайлов округи

(Маркази – Ғаллаорол шаҳри, Ғаллаорол тумани тиббиёт коллежи биноси)

Бахмал тумани, Ғаллаорол туманининг Ғаллаорол, Маржонбулоқ, Қўйтош шаҳарчалари, Гулистон, Тоза уруғ, Мулкуш, Мирзабулоқ, Молтоб, Ғубдун, Хонимқўргон, Қипчоқсув, Жийдали, Коризқудук, Гулчамбар, Кўкбулоқ чегараларида (**130,9**).

33-Пахтакор сайлов округи

(Маркази – Пахтакор шаҳри, Пахтакор тумани Ёшлар маркази биноси)

Зафаробод, Пахтакор туманлари, Жиззах туманининг Хайробод, Ҳамзаобод ва Оқолтин қишлоқларидан ташқари чегараларида (**128,5**).

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

34-Навоий сайлов округи

(Маркази – Навоий шаҳри, Навоий индустриал иқтисодиёт касб-хунар коллежи)

Навоий шаҳри, Кармана шаҳрининг Дехқон, Гулобод, У.Юсупов, Х.Хисрав, А.Навоий, М.Баҳром, Фарҳод, Бешкент, Кўҳна Кўрғон маҳаллалари, Нарпай қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Т.Фофуров, Наврӯз, Пахтаобод маҳаллалари, Жалоир қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Аллон, Юқори Буғ, Гурда, Шибзон, Арабхона маҳаллалари чегараларида (117,4).

35-Қизилтепа сайлов округи

(Маркази – Қизилтепа тумани, Қизилтепа миший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи)

Қизилтепа тумани, Кармана туманининг Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Талоқоқ, Каловот, Варқ, Янги ариқ, Арғун маҳаллалари, Ўйрот қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Айрончи, Янгиобод, Хончарбоғ, Ўйрот маҳаллалари, Дурман қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Азамат, Дурман, Қаҳрамон маҳаллалари, Маликрабод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Сардоба, Дўстлик маҳаллалари, Хазора қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Тошработ, Арабхона, Малик, Дегарон маҳаллалари чегараларида (107,7).

36-Зарафшон сайлов округи

(Маркази – Зарафшон шаҳри, 1-сонли ихтинослаштирилган мактаб биноси)

Зарафшон шаҳри, Учкудуқ шаҳри ва тумани, Конимех, Томди туманлари чегараларида (105,1).

37-Хатирчи сайлов округи

(Маркази – Хатирчи тумани, Хатирчи тиббиёт коллежи биноси)

Хатирчи тумани, Навбаҳор тумани Олчин қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ёш куч, Салим Султон қишлоқлари, Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Марказий Ижанд, Хўжамбоғдод ота, Янги куч, Олтмишкапа, Ижанд, Қизилтепа, Қулоқ ота, Дегриз, Қизилравот, Қизилқўшин, Ялтиробод қишлоқлари чегараларида (104,8).

38-Нурота сайлов округи

(Маркази – Нурота шаҳри, Нурота тумани халқ таълими бўлими биноси)

Нурота тумани, Навбаҳор тумани Арабсарой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дул-дул, Армижон, Хашман, Вомитан, Арабхона, Сарой, Совунгар,

Карвон қишлоқлари, Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиқишлоқ гузари, Супаркент, Навкар, Манғит қишлоқлари, Давриқўрғон-1, Давриқўрғон-2 гузарлари, Минглар, Чорвоқгузар, Қатағон, Шўровул, Тепа тўп, Кўрғон қишлоқлари, Кескантерак қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дамариқ, Араб, Қораманғит, Қушқочди, Араб, Шодибек, Буганбой, Пахтаобод, Кўрғон, Янгиобод, Наврўз, Янгиҳаёт қишлоқлари, Раҳмат Пўлат, Ф.Орзиқулов, Темир Намоз номли кўчалар, Бешработ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ёшлар кўчаси, Анорбоқи, Месит қишлоқлари, Янгиобод, Оқ олтин, Оқ олтин-1, Чуют гузарлари, Митти, Човли, Хунуко, Бойҳо қишлоқлари, Кухрон гузари, Мехчагарон, Гарраё, Арабхона қишлоқлари, М.Оролов номли кўча, Янгиобод қишлоқлари, Келачи гузари, Эшонтўп қишлоғи, Бешработ, Бешработ-1, Бешработ-2, Дўстлик гузарлари, Баланднов қишлоғи, Қурама-1, Қурама-2, Янгиобод, Паҳтакор қишлоқлари, А.Навоий, Бобур шоҳ кўчалари, Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли О.Фармонов номли кўча, Бойтўп қишлоғи, Остона бобо қишлоғи, Юқори Бурқут қишлоғи, Қуйи Бурқут қишлоғи, Ибн Сино номли кўча, Қалқон ота қишлоғи, Тинчлик қишлоғи, Баҳор, Каврак биби, Гужбоғ қишлоқлари, Янгиобод гузари, Шўртепа, Янги йўл, Оқ том, Қайрағоч, З.Маматова, Н.Нормуродов номли кўчалар, Паҳтакор, Метан, Этак сарой, Олчин қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Порлок, О.Аллаев, Соибназаров, Ёшлар, Бобур, Тинчлик, Дўстлик кўчалари, Қалқон ота шоҳкўчаси, Дукчи мачит, Довуд ота, Шароп бобо қишлоқлари, Қозоқов, Отакул бобо, Мирзамўмин кўчалари, Учтут шоҳкўчаси, Мустақиллик, Баҳор, Навбаҳор, Янгиобод кўчалари чегараларида (103,6).

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

39-Дўстлик сайлов округи

(Маркази – Наманган шаҳри, Олимпия захиралари ва спорт коллежи биноси)

Наманган шаҳрининг Мустақиллик, Тўқувчи, Умид, Халқлар дўстлиги, Давлатобод, Навбаҳор, Янги тонг, Нурчи, Гулшан, Нуробод, Наврўз, Исломобод, Бунёдкор, Мустақиллик 5-йиллиги, Оромгоҳ, Ахсиқент, Мингтерак, Гўзал, Сиҳатгоҳ, Уч-ёғоч, Мингчинор, Маънавият, Фурқат, Машраб, Гулистон, А.Беруний, Даشتбоғ, Дўстлик, Ишчи, Курашхона, Фунча, Озод, Обиҳаёт, Зарафшон, Заркент, Исоқ чўян, Сўфизода, Байналминал, Мехрибонлик, Мажнунтол маҳаллалари.

Наманган тумани Ирвадон қишлоғига қарашли 1-Ирвадон, 2-Ирвадон, 3-Ирвадон, Ўрта Ровустон, Қуйи Ровустон, Орзу, Шишаки маҳаллалари чегараларида (131,9).

40-Сардоба сайлов округи

(Маркази – Наманган шаҳри, санъат коллежи биноси)

Наманган шаҳрининг Гулбоғ, А.Фазлий, Соҳибкор, Маданий, Маданий-маориф, Янги йўл, Янги ҳаёт, Янги қурилиш, Сумалак гузари, Шаршара, Яккасада, Баҳор, Марғилон, Маърифат, Бўстон, Баҳодир Эшон, Рафиқ Мўмин, Қадамжо, Авлиё домла, Хости Хизир, Исфархон, Истиқлол, Дамбоғ, Ўзбекистон, Обод, Олвализор, Алпомиш, Сардоба, Чинор, Шарқ тонги, Ҳақиқат, Зарбдор, Чорсу Гулпора, Янги ривожия, Фишт-қўприк маҳаллалари чегараларида (**131,1**).

41-Тошбулоқ сайлов округи

(Маркази – Катта Тошбулоқ қишлоғи, Тошбулоқ педагогика
касб-ҳунар коллежи биноси)

Наманган туманидаги Ирвадон қишлоқ фуқаролар йиғинидан ташқари, Тошбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини, Миришкор, Охунбобоев, Хонобод, И.Раҳматов, Тепақўргон, Шўрқишлоқ, Ғалча, Боғишамол, Кумқўргон, Ғирвон, Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғинлари.

Мингбулоқ туманининг Довдуқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чордона, Тўпсада, Пахтакор, Ҳайтобод, Ингичка маҳаллалари, Гуртепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Серҳаракат, Тегирмонбоши, Бозорбоши, Баланд Гуртепа, Қўшқишлоқ, Дамкўл маҳаллалари чегараларида (**116,5**).

42-Косонсой сайлов округи

(Маркази – Косонсой шаҳри, Косонсой туманининг
педагогика коллежи биноси)

Косонсой тумани, Янгикўргон туманининг Навкент ва Зарбдор қишлоқлари чегараларида (**114,6**).

43-Поп сайлов округи

(Маркази – Поп шаҳри, маданият саройи биноси)

Поп тумани, Мингбулоқ туманининг Гулбоғ, Мехнатобод, Момохон, Бўстон қишлоқлари чегараларида (**132,4**).

44-Тўрақўргон сайлов округи

(Маркази – Тўрақўргон шаҳри, Тўрақўргон академик лицей биноси)

Тўрақўргон туманидаги Тўрақўргон шаҳри, Оқтош шаҳарча, Сайрам, Холматов, Хўжанд, Аҳси, Бураматут, Шаханд, Қатоғон, Сарой, Ёртепа қишлоқларида.

Мингбулоқ туманининг Жомашуй шаҳридаги Бирлашган, Ойбек, Қўриқобод, Мустақиллик маҳаллалари ҳамда Олтинкўл қишлоғининг Ўзгариш, Ўртақишлоқ, Маданият, Мулкобод, Мадияровул маҳаллалари чегараларида (**124,5**).

45-Уйчи сайлов округи

(Маркази – Уйчи шаҳарчаси, Уйчи майший хизмат касб-хунар коллежи биноси)

Уйчи, Равот шаҳарчалари, Ёркўрғон қишлоғининг Бирлашган, ўайрат, Жийдакапа, Уйчи маҳаллалари ва Ёркатай қишлоғининг Ёркатай, Файзибод, Чуртук, Гумбаз, Мирзаравот маҳалласидаги А.Темур, Беш маҳалла кўчаларидан ташқари, Норин туманининг Хўжаобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хўжаобод, С.Рахимов, Бойовул, Полвонқўл маҳаллалари. Тўда қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тўда, Охунбобоев, Кўшчек, Сузоқовул, Отбозор маҳаллалари, Марғизор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Марғизор, Кўкмозор, Кўрғонча, Тошқин, Кемабоши маҳаллалари. Норинкапа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Норинкапа, Сой бўйи, Қоратери, Хўжақўрғонча, Ҳажинтол, Чангитма, Янги Фарғона маҳаллалари. Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Учтепа, Юқори Чўжа, Пастки Чўжа маҳаллалари чегараларида (128,7).

46-Учқўрғон сайлов округи

(Маркази – Учқўрғон шаҳри, Учқўрғон иқтисодиёт коллежи биноси)

Учқўрғон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, Учқўрғон туманидаги Янгиер, Қайқи, Бахт, Яшиқ, Ҳамза, Қўғай ўлмас, Қўғай, Янгибод қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Норин туманининг Ҳаққулобод шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғини, Қўрғонтепа қишлоғидаги Тегирмон боши, Мирсувчек, Яшиқ, Сирмоқ, Қурама, Катта оқтовлиқ маҳаллалари, Пахта қишлоғининг Қозоқ овул, Шўрапиқ, Шаҳид мозор, Думар, Найманбод маҳаллалари, Тошлоқ қишлоғининг Тошлоқ, Тўлқин, Қилтов маҳаллалари чегараларида (126,1).

47-Чорток сайлов округи

(Маркази – Чорток шаҳри, Чорток тиббиёт коллежи биноси)

Чорток туманининг Короскон қишлоғидаги Тинчлик, Наврўз, Янгибод, Боғ, Мустақиллик, Саркор маҳаллалари, Мучум қишлоғидаги Дамариқ Янгибод, Ласкидон, Кесканёр, Шодлик, Соҳибкор маҳаллалари, Ойқирон қишлоғидаги Боғ, Ойқирон, Янгибод, Ўрикзор, Чигатой, Олтитош маҳаллалари, Гулшан қишлоғидаги Гулдириов, Чорсу, Сой, Гулшан, Қорабоғ, Сарой қишлоғидаги Сарой, Қорамурт маҳаллалари, Чорток шаҳридаги Бешкапа, Навбаҳор, Оромгоҳ, А.Навоий, Наманган, С.Рахимов, Дўстлик, Бўлон, З.Диёр, Туркистан, Ўзбекистон, Ифтихор маҳаллалари, Уйчи туманининг Машад қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Машад, Яккатут, Гузар, Олтитош, Охунбобоев, Обжувоз, Саноат, Қувурбоши маҳаллалари, Ўнҳаят шаҳарча қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли А.Мўминов, Обод, Ш.Хўжамбердиев, Ўнҳаят маҳаллалари ва Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудидаги

Исломобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Мирзаровот маҳалла фуқаролар йиғинларидаги А.Темур ва Беш маҳалла кўчалари, Наманган шаҳрининг Истиқбол, Ишонч, Атангангузар, Мехнатобод маҳаллалари чегараларида (**113,7**).

48-Чуст сайлов округи

(Маркази – Чуст шаҳри, Чуст педагогика коллежи биноси)

Чуст туманидаги Боғанда, Пансада, Сероб, Камарсада, Навбаҳор, Дехқонобод, Сабзазор, Хўжаобод, Якка булоқ, Садача, Бирлик, Наврӯз, Дузанда, Дўстлик, Мехнатобод, Гулистон, Мустақиллик, Бибиона, Боғи эрам, Зарафшон маҳаллалари, Ахча, Хисорак, Каркидон, Шоён, Баймоқ, Шуркент, Олмос, Карнон, Варзик, Оғасарой, Ғова қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**131,8**).

49-Янгиқўрғон сайлов округи

(Маркази – Янгиқўрғон шаҳарчаси, Янгиқўрғон тумани енгил саноат коллежи биноси)

Янгиқўрғон туманининг Янгиқўрғон шаҳарчаси, Қораполвон, Ш. Юлдузи, Истиқлол, Бекобод, Бирлашган, Нанай, Заркент, Поромон, Наврӯзобод қишлоқлари, Новкент қишлоғининг Ровот, Сангистон Шўркўл маҳаллалари. Чортоқ туманининг Алихон қишлоғининг Алихон, Исроилов, Дехқонобод маҳаллалари, Ҳазратишоҳ қишлоғининг Тўриқ, Ҳазратишоҳ, Зангиобод маҳаллалари, Пешқўрғон қишлоғининг Арбағиш, Тўпқайрағоч, Бозорбоши, Соз-сой маҳаллалари, Боғистон қишлоғининг Узункўча, Ора-ариқ Оқ-терак, Бештол, Балиқ-кўл, Боғистон маҳаллалари чегараларида (**114,0**).

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

50-Регистон сайлов округи

(Маркази – Самарқанд шаҳри, Самарқанд давлат университети биноси)

Самарқанд шаҳри, Мустақиллик, Хўжа Юсуф, Кўксарой, Анҳор, Бирлик, Сиёбча, Боғи Темур, Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон, Янги Ҳаёт, Нурабод, Масжиди Кўнғироқдор, Девори Кўндаланг, Бунёдкор, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Навбаҳор, Раҳим Шокирбеков, Сайдмаҳалла, Мир Сайд Барака, Мингтут, Фаровонлик, Богичинор, Лоҳутий, Гулбаҳор, Шойибофлар, Бўстон, Даҳбед, Ғ.Жамshed, Афросиёб, Истиқбол, Аэропорт, Геофизика, Зарафшон, Боғибалаанд, Кўк масжид, Шарқ-1, Бибихоним, Муборак, Расул Саидов, Имом Восе, Сузангарон-1, Фотообод, Хўжандий, Сўфи Розиқ, Қўшҳовуз, Низомий, Исмоил Акрамов, Сарбадорлар, Давлатшоҳи Самарқандий, Тошкандий-2, Ибн Сино, Жаббор Азимов, Қаварзор, Тазар, Кушбаққоли, Хўжа Чоррух, Обод,

Кумзор, Жомий, Дарвозаи Қаландархона, Зоминий, Ёминий, Ургути-1, Дари Занжир, Янги Ҳайрабод, Сўзангарон-2, Роҳат, Инқилоб, Қўшчинор, Халифа Иброҳим, Садриддин Айний, Хўжа Абдул Дарун, Намозгоҳ, Хўжа Аҳрор Вали, Мароқанд, Фурқат, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаххор, Иброҳим Хўжа, Эски Қаландархона, Пули Мирзо, Луччакон, Ҷақар, Гўри Амир, Оби Раҳмат, Қирча, Богимайдон, Бунёд, Чўпон-ота, Ширин, Мамадали Латипов, Боғдод, Ҳамза, Фарҳод, 4-Йўнғичқаариқ, Севали, Мақсуд Шайхзода, Ёшлар, Ализода, 2-Йўнғичқаариқ, Найман, Шароф Рашидов маҳаллалари чегараларида (123,9).

51-Суғдиёна сайлов округи

(Маркази – Самарқанд шаҳри, Самарқанд иқтисодиёт касб-ҳунар коллекци биноси)

Самарқанд шаҳрининг, Лолазор-1, Лолазор-2, Тўпхона, Хаймар, Дўстлик Аҳиллик, Панжоб, Гулистон, Заргартепа, Ҳофиз Шерозий, Хўжасоат, Саъдий Шерозий, Ботир Зокиров, Амир Темур, Саттепо, Марҳабо, Янгиқўрғон, Ёшлиқ, Чилқудук, Наврўз, Маҳмуд Зоҳидов, Қамариддин Камолов, Маданият, Қудрат Суюнов, Дарғом, Нурафшон, Извозчилар, Каттақўрғон, 1-Йўнғичқаариқ, 3-Йўнғичқаариқ, Беклар, Теракзор, Бешчинор, Бешгужум, Ҳадича Сулаймонова, Илҳом, Ҳ. Олимжон, Зулфия, Увайсий, Машъял, Ал Бухорий, Тонг, Янгибод, Шодлик, Дамариқ-1, Тожмаҳал, Истиқлол, Марҳабо, Қадрият, Баҳор, Наврўз-93, Суғдиёна, Нодирабегим, Акбар Раҳимбоев, Боғишамол, Боғишифо, Садаф, М.Улуғбек, Шуҳрат, Дамариқ-2, Боғисарой, Эски Ҳазора, Ҳазора, Семурғ, Ф.Хўжаев, Юлдуз, Раҳматобод, Каттаариқ, Мевазор, 2-Янгиравот, 1-Янгиравот, Абдулло Набиев, Адолат, Али Қушчи, Ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Гуллар Боғи, Олтин Аср, Мустақиллик, Рудакий, Орзу, Маърифат, Ислоҳот, Байналминал, Мехнат, А.Навоий, Темирйўлчилар, Ғафур Ғулом, Халқлар дўстлиги, Зарафшон, Майсазор, Хўжа Ҳакназар, Дўстлик, Ватанпарвар маҳаллалари, Пастдарғом туманининг Чархин шаҳарчаси чегараларида (121,9).

52-Булунғур сайлов округи

(Маркази – Булунғур тумани, миллий ҳунармандчилик ва касб-ҳунар коллекци биноси)

Булунғур туманининг Бешқўтон, Кулчабий, Ўртабулоқ, Соҳибкор, Килдон, Ф. Йўлдош, Навоий қишлоқлари ҳамда Булунғур маркази маҳаллалари, Жомбой туманининг Қанғли, Қорамўйин, Дехқонобод, Журият, Хольвой қишлоқлари чегараларида (135,8).

53-Иштиҳон сайлов округи

(Маркази – Иштиҳон тумани, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маъмурий биноси)

Иштихон туманининг Кўрли, Равот, Азамат, Файзиобод, Чордара, Зарбанд қишлоқлари, Иштихон шаҳарчаси, Қўшработ туманининг Пичот, Қўшработ, Жўш, Зармитан, Оқтепа, Урганжи, Охунбоев қишлоқлари чегараларида (**135,8**).

54-Каттақўрғон сайлов округи

(Маркази – Каттақўрғон шаҳри, иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси)

Каттақўрғон шаҳрининг Ингичка шаҳарчаси, Ўрикзор, А.Навоий, А.Темур, Арабхона, Баланд, Чордара, Гарип Мачит, Дўстлик, Ермачит, Зарифобод, Баҳористон, Кориравот, Кунжипай, Кучахўр, М.Даминов, М.Раззоқов, Навбаҳор, Н.Тоғаев, Н.Зокиров, Ноқис, О.Мирий, Оқ олтин, Р.Исломова, Сармазор, Сиплон, С.Оллоёр, У.Норов, Миёнкол, Ҳайдарчаман, Ҳожикурбон, Чордара маҳаллалари, Нуробод туманининг Улус, Нурбулоқ, Жарқудук, Тутли, Тим, Жом қишлоқлари, Нуробод шаҳри, Нарпай туманининг Янгиқўрғон, Қадим, Қоракўл қишлоқлари чегараларида (**136,1**).

55-Қорадарё сайлов округи

(Маркази – Каттақўрғон тумани, туман бандликка кўмаклашиш маркази биноси)

Каттақўрғон туманининг Пайшанба шаҳарчаси, Сувҳовузи шаҳарчаси, Омонбой, Саройқўрғон, Дурбеш, Жумабой, Гирдиқўрғон, Кичикмундиён, Мойбулоқ, Каттаминг, Қўштепа, Янгиқўрғонча, Каттақўрпа қишлоқлари чегараларида (**129,6**).

56-Нарпай сайлов округи

(Маркази – Нарпай тумани, миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи биноси)

Нарпай туманининг Олтиўғил, Қорасироқ, Чакар, Янгирабод, Мирбозор, И. Шоир, Косагарон, Оқтош шаҳри, Пахтаки туманининг Зиёвуддин шаҳарчаси, Дўстобод, Султонобод, Хайробод, Мисит, Қуйбоқ, Пўлатчи, Хумор, Қарнаб қишлоқлари чегараларида (**137,1**).

57-Оқдарё сайлов округи

(Маркази – Оқдарё тумани, Самарқанд агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси)

Оқдарё туманининг Лойиш, Даҳбед шаҳарчалари, Зарафшон, А.Навоий, Қоратери, Примкент, Янгикент, Янгиқўрғон қишлоқлари, Пайариқ туманининг Оққўрғон, Чопорошли, Чоштепа қишлоқлари, Иштихон туманининг Митан шаҳарчаси, Халқаобод, Ўртақишлоқ, Ҳақиқат қишлоқлари чегараларида (**128,7**).

58-Пастдарғом сайлов округи

(Маркази – Пастдарғом тумани, педагогика ва спорт
касб-хунар колледжи биноси)

Пастдарғом туманининг Сарибош, Торариқ, Пўлатчи, Санчиқул,
Бешқаҳрамон, Анхор, Чимбой, Гўзалкент, Арабхона қишлоқлари ва Жума
шаҳарчаси чегараларида (134,4).

59-Пайариқ сайлов округи

(Маркази – Пайариқ тумани, қишлоқ хўжалик
касб-хунар колледжи биноси)

Пайариқ туманининг Пайариқ, Челак шаҳарчалари, Саноат, Қўлтисин,
Кўкдала, Қорасув, Гулистон, Бирлашган, Ойтамғали, Ўртасайдов қишлоқлари,
Жомбой туманининг Қўнғирот, Шерқўргон, Жомбой қишлоқлари, Жомбой
шаҳарчасидаги маҳаллалар чегараларида (135,0).

60-Самарқанд сайлов округи

(Маркази – Самарқанд тумани, Гулобод ижтимоий-иқтисодий
касб-хунар колледжи биноси)

Самарқанд туманининг Оҳалиқ, Каттақўргонариқ, М.Улуғбек, Боғибанд,
Қайнама қишлоқлари, Пастдарғом туманининг Намуна, Болатош,
Димишқиболо, Дўрмунтепа қишлоқлари, Нуробод туманининг Сазаган
қишлоғи чегараларида (136,8).

61-Тайлоқ сайлов округи

(Маркази – Тайлоқ тумани, агротадбиркорлик касб-хунар колледжи биноси)

Тайлоқ туманининг Тайлоқ, Қўргонча, Сочакиболо, Адас, Тепақишлоқ,
Боғизоғон, Маданият, Жумабозор, Фўлба қишлоқлари, Самарқанд туманининг
Қўштамғали, Даشتакиболо қишлоқлари чегараларида (137,8).

62-Ургут сайлов округи

(Маркази – Ургут тумани, тиббиёт колледжи биноси)

Ургут туманининг Испанза, Фўс, Ҳамза, Янгиариқ, Жартепа, Почвон,
Мирзакишлоқ қишлоқлари, Ургут шаҳрининг Суфиён, Пастки Калангар,
Юқори Калангар, Камардон, Боғишамол, Навбоғ, Дўстлик, Ҷағизмон, Ғуслик,
Катта Торинжак, Ялпоқтепа, Кичик Торинжак маҳаллалари чегараларида
(135,9).

63-Қоратепа сайлов округи

(Маркази – Ургут тумани, компьютер технологиялари касб-хунар колледжи биноси)

Ургут туманининг Урамас, Бахрин, Бешбулоқ, Илонли, Қоратепа қишлоқлари, Ургут шаҳрининг Мозортепа, Чорраҳа, Андак, Чор-Чинор, Камангаронча, Кулоллик, Гулистон, Ғузни маҳаллалари, Самарқанд туманининг Кўлбаipoён қишлоғи чегараларида (**116,7**).

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

64-Гулистон сайлов округи

(Маркази – Гулистон шаҳри, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси биноси)

Гулистон шаҳри, Гулистон, Мирзаобод туманлари чегараларида (**113,5**).

65-Сайхун сайлов округи

(Маркази – Сайхун шаҳарчаси, Сайхунобод саноат касб-хунар колледжи биноси)

Сирдарё, Сайхунобод туманлари чегараларида (**102,4**).

66-Янгиер сайлов округи

(Маркази – Янгиер шаҳри, Янгиер академик лицей биноси)

Янгиер шаҳри, Ширин шаҳри, Боёвут тумани, Мирзаобод тумани (Меҳнатобод зоналари) чегараларида (**104,7**).

67-Оқолтин сайлов округи

(Маркази – Оқолтин тумани, Маданият саройи биноси)

Оқолтин, Сардоба, Ховос туманлари чегараларида (**112,4**).

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

68-Шеробод сайлов округи

(Маркази – Шеробод тумани, Агросуғурта биноси)

Бойсун туманининг маркази, Авлод, Бойсун, Дарбанд, Мачай, Работ, Сайроб, Кўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Шеробод туманининг Шеробод тумани маркази, Бўстон, Зарабоғ, Оққўргон, Рабатақ, Сеплон, Янги турмуш, Сариқамиш, Таллашқон, Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**136,3**).

69-Ангор сайлов округи

(Маркази – Ангор тумани, туман халқ таълими бўлими биноси)

Ангор туманининг Ангор шаҳарчаси, Кайран, Таллимарон, Истиқлол, Янгиобод, Навоий, Дўстлик, Занг қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Музработ туманининг Бешқўтон, Халқобод, Музработ, Гулистон, Болдири, Ободон, Қоракамар, Навбаҳор, Шўроб қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**126,8**).

70-Термиз сайлов округи

(Маркази – Термиз шаҳри, «Сурхондарёгаз» вилоят бирлашмаси биноси)

Термиз шаҳрининг Алпомиши, «2500 йиллик», Каттабоғ, Гарм, Байналмил, Гулистон, Дўстлик, Маърифат, Фарҳод, Навоий, Жайхун, Наврӯз, Ишчилилар, Озодлик, Жўйижангал, Мехробод, Р.Узоқова, Сурхон соҳили, Шифокор, Бўстон, Паттакесар, Шодлик, Жомий, Ибн Сино, Ўзбекистон, Тупроққўрон, Боғишамол, Темир йўлчи, Учқун, Юлдуз, Аму соҳиллари маҳалла фуқаролар йиғинлари, Термиз туманининг Учқизил, Паттакесар, Хотинработ, Пахтаобод, Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**141,7**).

71-Жарқўрғон сайлов округи

(Маркази – Жарқўрғон шаҳри, Маданият уйи биноси)

Жарқўрғон тумани маркази, Сурхон, Минор, Оққўрғон, Дехқонобод, Жарқўрғон, Чоржўй, Шарқ юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Кокайди шаҳарчаси, Қизириқ туманининг Янги йўл, Янги ҳаёт, Бўстон, Пахтакор, Мехнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Сариқ шаҳарчаси чегараларида (**138,6**).

72-Кумқўрғон сайлов округи

(Маркази – Кумқўрғон шаҳри, Кумқўрғон тумани агросаноат касб-хунар коллежи биноси)

Кумқўрғон тумани маркази, Арслонбойли, Жалойир, Оқжар, Юқори Какайди, Қумқўрғон, Оққапчиғай, Ўзбекистон, Кетмон қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Бандихон туманининг Бандихон, Қизириқ, Киршак, Олмазор, Чорвадор қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**127,9**).

73-Шўрчи сайлов округи

(Маркази – Шўрчи тумани, тиббиёт коллежи биноси)

Шўрчи тумани маркази, Элбаён шаҳарчаси, Элобод, Шўрчи, Бахтлитепа, Охунбобоев, Қўлдош қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Олтинсой туманининг

Вахшивор, Дуғоба, Миршоди, Қорлиқ, Хўжасоат, Оқарбулоқ, Оқолтин, Чеп, Олтинсой қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**127,7**).

74-Денов сайлов округи

(Маркази – Денов тумани, Денов майший хизмат кўрсатиш
касб-ҳунар коллекци биноси)

Денов тумани маркази, Дўстлик, Янгибод, Янгибоғ, Кенагас, Қизилжар, Анбарсой, Ҳазорбоғ, Ҳайробод, Пистамозор, Даҳана, Сина қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**131,8**).

75-Сариосиё сайлов округи

(Маркази – Сариосиё тумани, агросаноат касб-ҳунар коллекци биноси)

Сариосиё тумани маркази, Шарғун шаҳарчаси, Хуфар, Ўзбекистон, Сариосиё, Дашибод, Наврӯз, Тоқчиён, Сўфиён, Бўстон, Сангардак қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Денов туманининг Тортувли, Юрчи, Денов, Бинкор, Янгизамон, Холчаён, Фарғона қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**132,8**).

76-Узун сайлов округи

(Маркази – Узун тумани, майший хизмат кўрсатиш
касб-ҳунар коллекци биноси)

Узун туманининг Боботоғ, Жончека, Телпакчинор, Узун, Хондиза, Файзова, Оқостона қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Шўрчи туманининг Соҳибкор, Янгибозор, Совур, Жалойир, Даљарзин қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**124,4**).

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

77-Ангрен сайлов округи

(Маркази – Ангрен шаҳри, шаҳар молия бўлими биноси)

Ангрен шаҳри, Оҳангарон туманидаги Увак, Қурама, Бирлик, Телов, Сусам қишлоқлари чегараларида (**137,0**).

78-Бекобод сайлов округи

(Маркази – Зафар шаҳарчаси, Бекобод тумани маданият уйи биноси)

Бекобод шаҳри, Бекобод туманидаги Зафар шаҳарчаси, Қиёт, Бекобод, Мехнатобод, Пушкин, Гулистон, Маданият, Жумабозор, Даљарзин қишлоқлари, Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бешюз, Фарҳод, Боғишамол, Боғистон қишлоқлари чегараларида (**137,1**).

79-Бўка сайлов округи

(Маркази – Бўка тумани, майший хизмат касб-хунар коллежи биноси)

Бўка тумани, Бекобод туманидаги Янги-ҳаёт, Чаноқ, Баҳористон қишлоқлари, Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сариоз қишлоғи, Пискент туманидаги Оқтепа, Сайд, Дўнгўргон, Муротали, Кориз, Келовчи қишлоқлари чегараларида (**119,5**).

80-Бўстонлик сайлов округи

(Маркази – Ғазалкент шаҳри, маданият саройи биноси)

Бўстонлик тумани, Юқоричирчиқ туманидаги Саксонота, Истиқлол, Тинчлик, Бордонкўл қишлоқлари чегараларида (**122,8**).

81-Зангиота сайлов округи

(Маркази – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси қошидаги Зангиота тумани ахборот-маслаҳат маркази биноси)

Зангиота туманидаги Эшонгузар қўрғони, Чигатой-Оқтепа, Туркистон, Назарбек, Қатортол, Бўзсув, Ўзгариш, Хонобод, Зангиота, Эркин қишлоқлари, Тошкент туманидаги Қизғалдоқ, Масалбой, Кўксарой қишлоқлари чегараларида (**136,1**).

82-Олмалиқ сайлов округи

(Маркази – Олмалиқ шаҳри, “Кимёгар” маданият саройи биноси)

Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон туманидаги Дўстлик, Озодлик, Қорахитой қишлоқлари чегараларида (**128,3**).

83-Паркент сайлов округи

(Маркази – Паркент тумани, туман халқ таълими бўлими биноси)

Паркент тумани, Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор қўрғони, Оқовул, Суракент, Наврўз, Жамбул, Арганча қишлоқлари чегараларида (**129,4**).

84-Тўйтепа сайлов округи

(Маркази – Ўртачирчиқ тумани, ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси)

Ўртачирчиқ тумани, Пискент туманининг Пискент шаҳридаги Ўзбекистон, Навоий, Ойбек, Митан, Мўминобод, Бекобод, Майлобод, Бирлик маҳаллалари чегараларида (**133,7**).

85-Чиноз сайлов округи

(Маркази – Чиноз тумани, туман молия бўлими биноси)

Чиноз тумани, Янгийўл туманидаги Қовунчи, Шўралисой, Халқобод қишлоқлари чегараларида (**117,7**).

86-Чирчиқ сайлов округи

(Маркази – Чирчиқ шаҳри, маданият саройи биноси)

Чирчиқ шаҳри, Қибрай туманидаги Қибрай шаҳарчаси, Байтқўрғон, Оққовоқ, Май қишлоқлари чегараларида (**129,1**).

87-Қибрай сайлов округи

(Маркази – Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети биноси)

Қибрай туманидаги Салар шаҳарчаси, Ўнқўрғон, Ёнариқ, Матқобулов, Янгиобод, Тузель, Чинобод, Қипчоқ қишлоқлари, Тошкент туманидаги Келес шаҳарчаси, Юнусобод, Чоштепа, Гулистон, Ҳасанбой, Кўктерак, Чувалачи қишлоқлари чегараларида (**136,4**).

88-Янгийўл сайлов округи

(Маркази – Янгийўл шаҳри, Янгийўл тиббиёт коллежи биноси)

Янгийўл шаҳри, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов, У.Мусаев, Ниёзбош, Навбаҳор, Қўшёғоч, Гулбаҳор, Бўз-сув қишлоқлари, Зангиота тумани Ўртаовул қишлоқ чегараларида (**122,4**).

89-Дўстобод сайлов округи

(Маркази – Дўстобод шаҳри, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи биноси)

Қуйичирчиқ тумани, Оққўрғон тумани чегараларида (**120,2**).

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ

90-Бешариқ сайлов округи

(Маркази – Бешариқ тумани, тиббиёт коллежи биноси)

Бешариқ тумани, Фурқат туманининг Томоша, Шунқор қишлоқ фуқаролар йигинлари худудлари, Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йигинининг Чиркай, Бешэчки, Навбаҳор, Нумонобод, Шабода, Узунчек, Эски, Капа, Қўқонбой, Ардахшон қишлоқлари чегараларида (**139,9**).

91-Данғара сайлов округи

(Маркази – Данғара тумани, саноат касб-хунар колледжи биноси)

Данғара тумани, Учкўприк туманининг Наврўз, Янгиқишлоқ, Гозигиждон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида **(131,4)**.

92-Яйпан сайлов округи

(Маркази – Ўзбекистон тумани, агросаноат касб-хунар колледжи биноси)

Ўзбекистон тумани, Фурқат туманининг Кўқон, Ғунча, Ғаллакор қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Чилгижийда, Шотўра, Айритом, Болтакўл, Султон қишлоқлари чегараларида **(139,0)**.

93-Кўқон сайлов округи

(Маркази – Кўқон шаҳри, нефть ва газ касб-хунар колледжи биноси)

Кўқон шаҳри чегараларида **(128,1)**.

94-Бағдод сайлов округи

(Маркази – Бағдод тумани, тиббиёт колледжи биноси)

Бағдод туманининг Бағдод шаҳар фуқаролар йиғини, Чуваланчи, Ултарма, Қароқчитол, Самарқанд, Матқулобод, Зафаробод, Амиробод қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Учкўприк туманининг Кенагас, Сариқўргон, Полохон, Учкўприк қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида **(136,8)**.

95-Риштон сайлов округи

(Маркази – Риштон тумани, академик лицей биноси)

Риштон туманининг Риштон шаҳарчаси, Оқер, Бўстон, Бешкапа, Усмонхўжаев, Ёйилма қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Бағдод туманининг Дўрмонча, Пахтаобод, Тинчлик қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Сўх тумани чегараларида **(129,0)**.

96-Олтиариқ сайлов округи

(Маркази – Олтиариқ тумани, Маданият уйи биноси)

Олтиариқ туманининг Ҳамза, Олтиариқ шаҳар фуқаролар йиғинлари, Повулғон, Полосон, Қапчугай, Олтиариқ, Янгиқўргон, Жўрак, Ғайрат, Янгиараб, Бўрbonлиқ ва Катпут қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Риштон туманининг Зоҳидон, Тўда, Риштон, Қайрағоч, Оқ олтин, Мехнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида **(124,0)**.

97-Охунбоев сайлов округи

(Маркази – Охунбоев тумани, Маданият уйи биноси)

Охунбоев тумани, Олтиариқ туманининг Файзобод, Зилха, Оқбўйра, Қизилтепа, Азимобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**126,2**).

98-Марғилон сайлов округи

(Маркази – Марғилон шаҳри, педагогика касб-хунар коллежи биноси)

Марғилон шаҳри чегараларида (**122,8**).

99-Фарғона сайлов округи

(Маркази – Фарғона шаҳри, Тошкент ахборот технологиялари университети
Фарғона филиалининг асосий биноси)

Фарғона шаҳри чегараларида (**140,0**).

100-Водил сайлов округи

(Маркази – Фарғона тумани, халқ таълими бўлими биноси)

Фарғона туманининг Лоғон, Аввал қишлоқ фуқаролар йиғинларидан ташқари барча аҳоли пунктлари чегараларида (**112,4**).

101-Тошлоқ сайлов округи

(Маркази – Тошлоқ тумани, пахта тозалаш заводи маъмурий биноси)

Тошлоқ туманининг Тошлоқ шаҳарчаси, Садда, Қўрғонча, Варзак, Арабмозор, Ахшак, Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда Ёзёвон туманининг чегараларида (**122,2**).

102-Қува сайлов округи

(Маркази – Қува тумани, майший хизмат кўрсатиш
касб-хунар коллежи биноси)

Қува туманининг Қува шаҳри, Байналминал, Дехқонбод, Янгиқишлоқ, Туркровот, Маданият, Мухиддинов номли, Иттифоқ, Янгихаёт, Баҳор қишлоқ фуқаролари йиғинлари, Тошлоқ туманининг Бирлик, Найман, Найманбўстон ва Кумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**116,5**).

103-Бувайда сайлов округи

(Маркази – Бувайда тумани, Маданият саройи биноси)

Бувайда тумани, Учкўприк туманининг Чорбог, Мехнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (**123,8**).

104-Қувасой сайлов округи

(Маркази – Қувасой шаҳри, иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси)

Қувасой шаҳри, Фарғона туманининг Лоғон, Аввал қишлоқ фуқаролар йигинлари ҳудудлари, Қува туманининг Намуна, Ақбаробод қишлоқ фуқаролар йигинлари чегараларида (**111,0**).

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

105-Урганч сайлов округи

(Маркази – Урганч шаҳри, Урганч қурилиш касб-хунар коллежи биноси)

Урганч шаҳри, Урганч туманининг Чаккашоликор, Қоравул, Юқори-дўрмон қишлоқлари чегараларида (**122,8**).

106-Боғот сайлов округи

(Маркази – Боғот тумани, Боғот енгил саноат касб-хунар коллежи биноси)

Муҳаммад Шалаши, Миллий Конгресс аъзоси (Миср): “Ўзбекистонда сўз эркинлигини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Оммавий ахборот воситалари вакилларига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун тўлиқ имкониятлар берилган. Сайловолди ташвиқот ишлари ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз қонунчиликка мувофик ташкил этилаётганига ишончимиз комил. Бу бўлажак сайловларни демократия асосида ўтказишнинг кафолатидир”.

Сажжад Малик, “Daily Times” газетаси катта муҳаррири (Покистон): “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчилик эркин масс-медиани ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатингизда мустақилликнинг 18 йили мобайнида газеталар, теле ва радио каналлар сони кўпайди. Оммавий ахборот воситалари ҳақиқий “тўртинчи” ҳокимиятга айланди. Шуниси эътиборлики, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари деярли бутун мамлакатни қамраб олган бўлиб, бу, жумладан, сайлов кампанияси давомида фикрлар хилма-хиллигининг демократик принципини кенг амалга оширишни таъминлайди”.

Муҳаммад Асиф Нур, “Diplomatic Insight” журнали бош муҳаррири (Покистон): “Президент Ислом Каримовнинг биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади, деган таърифи барча хорижий эксперталардан алоҳида эътибор қаратишни талаб қиласди. Дарҳақиқат, қайд этилган масалалар Ўзбекистонда сайлов жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида устувор масалага айланган”.

Талха Балиқ, “Босфор” газетаси бош муҳаррири (Туркия): “Давлат сайловларда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш орқали фуқароларнинг кўплаб масалаларни ҳал этишда иштирокини кенгайтириш имконини беришининг гувоҳи бўлдик. Шуниси эътиборлики, мамлакатингизда фуқаролик жамияти билан давлатнинг яқин ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Мамлакатда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро нормаларга мос келадиган самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Яхлит, мустақил

сайлов комиссиялари тизими ташкил этилган. Қонунчиликка сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилганини текширишда иштирок этиш хуқуқига эга ваколатли вакиллик институти киритилган”.

Барбара Помрата, Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми эксперти (Буюк Британия): “Фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганар экансан, жамоат институтлари босқичма-босқич ташкил этилиб, барқарорлашгач, сиёсий, жумладан сайлов жараёнларида фаол ва самарали иштирок эта олади, деган хулосага келасан киши”.

Налин Кумар Мохапатра, Ж.Неру номидаги университетининг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти (Ҳиндистон): “Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари хотин-қизлар, экология, ёшлар, тадбиркорлик ва бошқа кўплаб муаммоларни маҳаллий ҳамда республика даражасида ҳал этади. Мамлакатингизда ижтимоий қурилиш тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, маҳалла институтига алоҳида хуқуқий мақом бериш билан бир қаторда уни ривожлантириш учун зарур муҳитни ҳам яратади. Шу туфайли маҳалла қатор масалаларни ҳал этиш борасида ташаббускорлик кўрсатади. Яна шуниси муҳимки, бу борада миллий анъаналар ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар ҳам ҳисобга олинади. Бугун фуқаролар йиғинларини ҳақли равишда демократик ислоҳотлар ривожлантириладиган ижтимоий пойдевор, дейиш мумкин. Буларнинг барчаси бошқа мамлакатлар учун ибрат бўлиб хизмат қиласди”.

Богдана Бабич, Амалий сиёсат институти директори (Украина): “Ўзбекистонда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини ташкил этиш тўғри қарор деб ҳисоблайман. Бу орқали жамоат ташкилотларининг мустақиллиги, уларга ажратилаётган давлат маблағларини холис тақсимлаш таъминланмоқда. Экоҳаракатга экологик муаммоларни парламент даражасида ҳал этиш учун ўзига хос имкониятлар берилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Давлат шу тариқа ўз фуқароларининг саломатлигидан манфаатдорлигини тасдиқламоқда, бу эса бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади. Бундан ташқари, ташаббускор гурухлардан номзодлар кўрсатишни бекор қилиш, менимча, сиёсий партиялар роли ва масъулиятини кучайтириш борасида навбатдаги қадамдир”.

Минори Окочи, Нагоя шаҳри университетининг юридик факултети доценти (Япония): “Экоҳаракат учун депутатлик квотасини жорий этиш минтақадаги мураккаб экологик вазият сабабли жуда зарур эди. Энди ушбу

харакат мамлакат олий қонунчилик органида сиёсий партиялар каби хукуққа эга бўлади. Бу, ўз навбатида, экология ва саломатлик масалаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради”.

Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ): “Ўзбекистон сиёсий тизимида катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганинг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади”.

Владимир Лафицкий, Россия Федерацииси ҳукумати ҳузуридаги қонунчилик ва қиёсий ҳукуқшунослик институти директорининг ўринбосари: “Маҳалла институти чукур ўрганиш шуни кўрсатадики, кўп асрлар давомида у ўзбек халқининг бугунги авлодини тарбиялашга ёрдам бераётган маънавий-маърифий негизлари, маданияти ва анъаналарини ўзида мужассам этган маскан ҳисобланади. Маҳалла - жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг ўзига хос шаклидир. Биз Ўзбекистонда ахолини мамлакатингизда рўй бераётган жараёнлар ҳақида хабардор қиласиган нодавлат теле ва радиокомпаниялар тармоғи муваффақиятли ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, шу жумладан сайловларда фаол ва масъулиятни ҳис этган ҳолда иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган».

П.Морвиэж, Нью-Йорк давлат университетининг фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ): «Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жуда ривожланган. Бу эса демократик давлатни ривожлантириш учун жуда муҳим. Менимча, бу - Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Эркин сайловларни ўтказиш учун электоратнинг маълумотга эгалиги катта аҳамиятга эга. Давлатингиз раҳбари таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда гап фақат мактаб ўқувчилари ва талабалар ҳақида эмас, балки сайловчилар барча зарур ахборотни оладиган кўплаб оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳам бормоқда».

Сангту Ко, Ёнсей университети профессори (Жанубий Корея): “Давра сухбати давомида турли партиялар вакиллари ўртасидаги қизғин баҳсларнинг гувоҳи бўлдим. Бу - партиялар аъзоларининг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз сиёсий қарашларини нечоғлик аниқ белгилаши ва илгари суришидан далолат. Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар дастурлари хилма-

хиллиги билан бир-биридан ажралиб туришини кўрдик. Зеро, демократиянинг талаби ҳам шундай”.

Инкери Аарнио-Лвоф, ЕХХТнинг Грузиядаги миссиясининг инсон турмуши даражасини баҳолашибўйича бошқармаси бошлиги: “Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисида қатор қонунларнинг қабул қилингани мамлакат тўғри йўлдан бораётганидан далолатdir. Ёш ва мустақил давлатингиз томонидан электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш, ахолининг сайлов кампанияси, сайлов қонунчилиги ҳақида хабардорлик даражасини юксалтиришда жамоат институтлари ролини кучайтиришга доир қўрилаётган чора-тадбирлар демократик ривожланишнинг муҳим таркибий қисмлариданdir. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Бугунги давра сухбати каби тадбирларнинг ўтказилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадамdir ва у мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни чуқур англаш имконини беради”.

Иштван Венсел, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчisi: “Бўлажак сайлов Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, фуқароларнинг мамлакатда давлат ва сиёсий жараёнларни бошқаришда иштирокини таъминлайди. Бу ниҳоятда муҳим, негаки Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда, давлатни бошқариш тизими ўзгармоқда. Бундай шароитда фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар роли анча ортади”.

Кларк Плексико, АҚШ Миллий демократия институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори: “Ҳар бир халқ ўз анъанасига эга ва унинг сиёсий тизими ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда шаклланади. Ўзбек халқи бу масалани мамлакатни ривожлантириш бўйича ўзининг маданий анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этмоқда. Бундай жараённи Европа ва АҚШда ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, энг асосийси - сиёсий тизимдан қатъи назар, унинг барқарорлигини таъминлаш муҳим ва буни мамлакатингиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонга келганимдан буён бу ерда сиёсий соҳада катта ўзгаришлар юз берганини қайд этишни истар эдим. Энг муҳими, мамлакатингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Парламент ислоҳоти сиёсий тизимни ривожлантиришга кўмаклашди ва бу сайлов жараёнига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Ўзбекистон сиёсий тизимидағи ҳаётбахш ўзгаришлар АҚШ томонидан катта хайриҳоҳлик билан кузатиб борилмоқда, биз Ўзбекистонни жамиятни янада демократлаштиришда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз”.

Ажай Кумар Патнаик, Ж.Неру номидаги университет профессори (Хиндистон): “Ўзбекистонда сиёсий соҳада жадал ва ижобий ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Ҳаётнинг барча жабҳалари демократлаштирилмоқда. Бу

туб ўзгаришлар аҳоли барча қатламларининг давлат бошқарувида иштирок этаётганидан далолатдир. Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги анча ошганини ҳам таъкидлаш жоиз. Аҳолининг сайловга бўлган катта қизиқиши сайлов жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда”.

Ян Дирк Блау, Сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича эксперт (Голландия): “Ўзбекистонда сиёсий жараён изчил ва маромида ривожланмоқда. Биз сиёсий партиялар ўртасидаги сиёсий рақобатнинг гувоҳи бўлмокдамиз. Улар ўзларининг ижобий мақсадларини илгари сурмоқда, негаки ушбу мақсадларга эришиш ҳокимият учун ҳам, халқ учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Шунингдек, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат демократиянинг ягона мақсади эмас, деб ҳисоблайман. Дарҳақиқат, бундай рақобат дунёning кўпгина давлатларида мавжуд, аммо бу ҳар доим ҳам жамият фаровонлигининг кафолати ҳисобланмайди. Партиялар, авваламбор, ўз электоратига нисбатан самимий бўлиши лозим”.

Х А Б А Р Л А Р

Бухорода 2009 йил 25-26 август кунлари “Сайловларни ўтказиш ва ташкил этишда очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон тажрибаси, меъёр ва стандартлар” мавзууда халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат жамғармаси, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси томонидан ташкил этилди.

Семинарда Буюк Британия, Миср, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Қирғизистон, Покистон, Россия, Украина, Франция, қатор халқаро ташкилотлардан эксперtlар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари сайлов кампаниялари давомида очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентлик тамойилларини рўёбга чиқаришнинг қонунчилик асослари ва амалиётини ривожлантириш, демократик сайловларни ўтказишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирокини ошириш соҳасида мамлакатимиз тажрибасини кўриб чиқди.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳномолигида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислоҳотлар доирасида сайлов қонунчилиги ва амалиёти тизимли равишда изчил демократлаштирилаётгани таъкидланди. Давлатимиз томонидан сайловларни ташкил этиш ва ўтказишида очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентликни таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борада Марказий сайлов комиссияси, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ва халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган ўзгартишлар мамлакатимиз сайлов тизимини эркинлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди.

Уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари бу борада янада фаол ўрин тутмоқда, жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантирмоқда. Сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларининг сайловолди ташвиқот-тарғибот ишларида оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиши таъминланади. Шу муносабат билан журналистлар масъулияти, журналист этикасига бўлган талаблар ошмоқда.

Хорижий ва мамлакатимиз эксперtlари Ўзбекистонда 2009 йил декабрида қонунчилик ва ҳокимият вакиллик органларига бўладиган сайловлар ахборот

соҳаси янада ривожланган, журналистларнинг профессионал даражаси ошган, оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этган шароитда ўтишини қайд этдилар.

* * *

2009 йил 8 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов томонидан ЕХХТ нинг ИХДИБ (БДИПЧ) директори Я.Ленарчич бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

Учрашувда ЕХХТ нинг ИХДИБ директори маслаҳатчиси А.Симкич, ЕХХТ нинг ИХДИБ матбуот котиби Й.Эшнебайер, ЕХХТ нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи И.Венцель, ЕХХТ нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчининг бош маслаҳатчиси Б.Руо, ЕХХТ лойиҳалари бўйича миллий маслаҳатчи Н.Худойберганов, Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатов, ТИВ бошқарма бошлиғи ўринбосари Б.Бобоев, комиссия аъзоси Ж.Содиков, матбуот хизмат раҳбари Н.Нурматов ҳамда Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг бошқа масъул ходимлари ва Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Комиссия раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Марказий сайлов комиссияси нинг бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтазиш бўйича фаолияти, шунингдек сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар билан танишитирди.

* * *

Самарқандда 2009 йил 9-10 сентябрь қунлари “Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар” мавзууда халқаро давра сұхбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик харакати, Республика “Махалла” хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчisi билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда Буюк Британия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Япония каби давлатлар ва қатор халқаро ташкилотлардан эксперталар, Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши ҳақида фикр алмашилди. Давра сұхбати иштирокчилари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, жумладан ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича республикамиз тажрибасини муҳокама этди. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти институтларининг демократик сайловларга

тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишида иштироки масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Халқаро форумда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёни, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг таҳдили мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ва жадал демократик туб ўзгаришлардан далолат экани қайд этилди. Бўлажак сайлов фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ортиб бораётган бир шароитда ўтказилади. Буни 2008 йилнинг декабрида сайлов қонунчилигимизга киритилган ва бутун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришга, кенг кўламли демократик ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда давлат бошқарувида қонунчилиқ, ҳокимиёт вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар таъминлаши таъкидланди. Экспертлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларини 120 тадан 150 тага кўпайтириш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та ўрин ажратиш, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтининг жорий этилиши ва қонунчиликка киритилган кўплаб янгиликлар мамлакатимизда демократик туб ўзгаришларни амалга оширишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариши ҳакида умумий фикр билдириди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини ошириш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар, миллий сайлов қонунчилигини босқичма-босқич такомиллаштириш, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни амалга ошириш бўлиб ўтадиган сайловларни демократия тамойиллари асосида ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Хусусан, хорижлик экспертлар томонидан Концепциянинг бутун сайлов комиссиялари тизими ва сайлов жараёнига жалб этилган муассасаларнинг фаолияти сайлов давомида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлашга қаратилиши тўғрисидаги қоидаси Ўзбекистон сайлов тизимининг юксак демократлиги намунаси сифатида эътироф этилди. Сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференсиялар бериш истисно этилган, фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишида асосий ташкил этувчи орган ҳисобланади ва ҳеч кимнинг сайлов жараёнига аралашувига қўл қўйилмайди. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир. Буларнинг барчаси экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Давра сухбати давомида Ўзбекистон фуқаролик жамияти тизимида ўзига хос маҳалла институти алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мустақиллик йилларида ушбу институт нафакат қайта тикланди, балки

мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказишнинг фаол иштирокчисига айланди. Шу билан бирга, мустақил оммавий ахборот воситалари, чунончи, худудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошди.

Экспертлар муҳокама якуни бўйича мамлакатимизда Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилгани ҳакида яқдил фикр билдириди.

* * *

2009 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчي ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йилнинг 22 сентябридан бошланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Конунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг лойихалари кўриб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномалар, “Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида”ги низомлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби” ва бошқа зарур мөёрий-ҳукуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

2009 йил 17 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан хорижий ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифингда сўзга чиқсан Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов журналистларга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги қарор қабул қилингани ҳақида ахборот берди ҳамда ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси Раиси сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг асосий принциплари ва талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини алоҳида таъкидлади. Фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи бўғин ҳисобланади ва ҳеч кимнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг биронтасига бирор-бир имтиёз ёки устунлик берилиши ман қилинади. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари, талаблари ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир.

Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сўнгги пайтда қабул қилинган, сайлов тизимини янада эркинлаштиришга, партиялараро рақобатни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилигининг янги нормалари билан таништирилди.

Жумладан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган реал жараёнларни эътиборга олган ҳолда, конун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мақсадида Конунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, сайловчиларнинг ташаббускор гурӯхларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Натижада, Конунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалаларининг ғоят муҳимлиги, яъни сиёсий қарашлари, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан қатъи назар, уларнинг ҳал этилишидан жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда, янги конунга кўра, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик харакатидан сайланадиган депутатларга берилади.

Конунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти киритилди, унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишида, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Конун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятида ошкораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси брифинг иштирокчиларини бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилган ишлар билан таништириди. Хусусан, сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмую амалга оширилди. Олимлар, эксперtlар ва амалиётчи ходимларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишилари уюстирилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида ўнлаб давра сухбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

М.Абдусаломов журналистларга шу йилнинг июн-сентябр ойларида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ҳамда демократик сайлов ўтказиш халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш, сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига бағишлиланган халқаро конференциялар, семинарлар ва давра сухбатлари ҳақида ахборот берди. Ушбу тадбирларда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатлардан халқаро эксперtlар, олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Анжуманларда иштирок этган хорижий эксперtlар таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Календарь режасининг асосий саналари маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси пировардида Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловнинг очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлаш учун барча зарур хуқукий асослар яратилганини таъкидлади.

* * *

2009 йил 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар вакилларига сайловчиларнинг сиёсий партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини қўллаб-куватловчи имзоларини тўплаш учун имзо варақалари бланкалари топширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш хуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия сайловда иштирок этишини қўллаб-куватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаши зарур. Бунда маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шахри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида, яъни 18 октябрга қадар Марказий сайлов комиссиясида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак: партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси; имзо варақалари.

Имзо варақалари топширилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси улар тўғри тўлдирилганлигини текширади. Сайлов қонунчилиги янги нормаларига биноан имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши мумкин. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияниң сайловда қатнашиш хуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияниң сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор

қабул қиласди. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

* * *

Тошкентда 2009 йил 29-30 сентябрь кунлари “Сиёсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги” мавзуида халқаро давра сұхбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, EXXТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси оғиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва “Минтақавий мулоқот” нодавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди.

Форумда Беларус, Буюк Британия, Хиндистон, Жанубий Корея, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Украина, Чехия, Япония ва халқаро ташкилотлардан эксперталар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Давра сұхбати иштирокчилари давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар иштироқини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда қатор мамлакатлар тажрибасини муҳокама этди.

Хорижий эксперталар ўз чиқишлирида истиқлол йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизими, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилгани, демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловлар қонунчилик базаси, фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди. Унинг рўёбга чиқарилиши ва янада ривожлантирилиши мамлакатимизда кўп партияли тизимни амалда мустаҳкамлаш, демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда партиялар ролини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

* * *

2009 йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий

уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан битимлар имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимлар аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилигини – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунни моддаларини тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан сайлов олди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратилишига, шу жумладан уларга ажратиладиган эфир вақти ва босма майдоннинг тенг ҳажмда бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

- Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Марказий сайлов комиссияси Концепцияси ҳамда мамлакат парламенти ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Календарь режасида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилади, - деб таъкидлари битимлар имзоланиши якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. - Ҳамкорлигимизнинг бош мақсади – сайловчилар учун сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатликка номзодларининг сайлов олди дастурлари билан танишиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, давлат босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ахборотни ўз вақтида етказиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қиласи.

* * *

4–10 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Қ.Тоғаев, Ички ишлар вазирлигининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминот бошқармасининг маслаҳатчиси М.Жўраев, Ташқи ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи Б.Бабаев ЕХХТ нинг Варшавада (Польша) Инсонийлик мезонлари бўйича бўлиб ўтган йиллик кенгашида иштирок этишди.

* * *

2009 йил 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси ўзининг мажлисида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Шунингдек, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳини тузиш, Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган туркум халқаро илмий-амалий анжуманлар материалларини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича таҳrir ҳайъати таркибини тасдиқлаш ва Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

2009 йил 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга асосан Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та округ сайлов комиссиясини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Юқорида номи қайд этилган Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссиялари таркибига номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилинган ва Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилган жамоатчиликнинг обрўли вакиллари кирди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатлари

комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

2009 йил 19 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа хужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул қилинган 426 ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428 ва 429-қарорларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

* * *

2009 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларда иштирок этишига ижозат бериш ишлари хақида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта худудий сайлов округи бўйича ўтказилишини маълум қилди. Марказий сайлов комиссияси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида

қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўtkазиш бўйича округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Таъкидландики, номи қайд этилган қонуннинг 12-моддасига биноан округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда қонуннинг 16-моддасига мувофиқ комиссия таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан янги ташкил этилган сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қатор семинар ва тренинглар ташкил этилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партияниң ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни - партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партияниң сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этгани маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 23¹-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилди. Имзо варақаларини кўриб чиқишида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди - бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнининг янада ошкоралиги ҳамда демократлигини таъминлайдиган янги институтдир.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш якунлари партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганидан далолат беришини маълум қилди. Шу муносабат билан Марказий сайлов

комиссияси 17-18 октябрь кунлари ўтказилган мажлисларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатасига депутатлар сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг парламент Конунчиллик палатасига сайловда иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонда сайловни ташкил этишга оид барча саволларига жавоб қайтарди.

* * *

2009 йил 21 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси раиси ўринbosари К.Тоғаев, томонидан ЕХХТ/ДИИХБ Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси раҳбари ўринbosари К.Ольшевский бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

Учрашувда ЕХХТ/ДИИХБнинг сайлов бўйича маслаҳатчиси М.Линберг, ЕХХТ Парламент ассамблеяси дастури ходими А.Чернова, Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринbosари Б.Бабаев, комиссия аъзолари Ж.Содиқов ва К.Одилов шунингдек Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг бошқа масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Суҳбат давомида ЕХХТ/ДИИХБнинг ЕХХТга аъзо давлатларда демократик жараёнларни ривожлантириш, эркин сайлов ўтказиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишга қўшаётган ҳиссаси қайд этилди. Марказий сайлов комиссиясининг бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолияти, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берилди.